RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

# БИЗ СЕНИ ГУЛ КАБИ ЮРАККА БОСИБ, АСРАМОҒИМИЗ ШАРТ, УЛУҒ ИСТИҚЛОЛ!


1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ

MILLIY TIKLANISH

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

2007 йил 29 АВГУСТ Чоршанба

35-36 (418-419) - СОН


● «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўли ишга тушди




# ТОҒДА ПОЕЗД ЕЛДИРГАН ЭЛ БУ

***Платформасига узунлиги 25 метрлик рельсларни ортган махсус поезд Шўробга келди. Шўроб Бойсуннинг денгиз сатҳидан 1550 метр баландликда жойлашган чекка тоғ қишлоғи. Ўша куни бир томони Тошгузардан, иккинчи томони Сурхондарёнинг Қумқўрғон туманидан қуриб келинаётган 223 километрлик темир йўлни техник туташтириш ишлари охирига етказилаётган эди. Лойиҳа қиймати 450 миллион АҚШ долларига тенг, техник ва муҳандислик ечимлари ўта жиддий — мураккаблиги билан ажралиб турадиган темирйўл қурилишида рельс ётқизиш юмушлари ниҳоясига етказилди.***

Шўроб участкаси қурилиши алоҳида ажралиб турар эди. Поезднинг бу ерга кириб келмоғи учун ахир, Дарбанднинг қопқалари оғир тоғ қояларидан иборат Темир дарвозасини очмоқ лозим эди. Иккинчи томондан эса от юрса туёғини, қуш учса қанотини тойдириши мумкин бўлган, бир томчи ёмғир суви катта-катта кўчкиларни ҳосил қиладиган ўжар ва қайсар Чак-чак довонига «муроса» йўлини топишнинг ўзи бўлмасди. Масалан, темир дарвозасининг узунлиги икки чақирим келадиган, секундига йигирма-ўттиз куб метр сел-сувлар ўтадиган, тик қояларининг харсанг тошлари худди дарахтнинг мевалари сингари осилиб қолган дарани кўз олдингизга келтиринг. Темир йўлни худди шу дарадан ўтказмоқ учун харсанглардан-да мустаҳкам ёпиқ сув йўли қурилди. Қурилманинг сатҳига 15-20 метр қалинликда тупроқ тўшалди. Қоялар портлатилди. Ана шундан сўнг бу ерга рельс ётқизувчилар келишди.

Бу ишни икки жумла гап билан ифодалаш осон. 13-Тошкент кўприк қуриш отряди жамоаси дараларни гумбурлатиб уч ойдан зиёд вақт ишлагани, қарийб икки миллиард сўмлик иш бажаргани, қурилишни чироқлар ёруғида кечалари давом эттиргани, одамлар иш билан бўлиб ҳафтанинг кунларини адаштириб қўйгани — буларнинг ҳаммаси Шўроб қишлоғи сари дарча очишга қаратилган юмуш эди, матонатли одамлар яратган мўъжиза эди.

Чак-чак довонини айтинг. Сўнгги босқичнинг ўзида бу ерда бир миллион куб метрликдан зиёд тупроқ юмушлари бажарилди. Биз, ўлчовга қулайлик учунми, тупроқ ишлари, деймиз. Аслида гоҳида бир парчасини-да кўпориб олиш машаққат бўлган йирик-йирик тош қатларидан иборат адир ва тоғ ён бағирларига кетмон урилди. Оғирлиги олтмиш тонна келадиган Чебоксад, Шинжуй бульдозерларининг кетмонини қайирди. Одамлар лекин қайтмадилар. Шошиб қолмадилар. Режа белгиландими, иш бошландими, демак, уни адоғига етказиш керак — шуни ўйладилар. Ва шараф билан адоғига етқаздилар ҳам.

— Йўл қурилиши давомида, яъни, тўрт йилда Бойсун ва Деҳқонобод тоғларида 60 миллион куб метрдан зиёд тупроқ ишлари бажарилди, — дейди муҳандис Асқар Холиқов. — Бир миллион куб метргача тупроқ сурган бульдозерчиларимиз бор. Улуғбек Аълоев, Маҳмуд Хўжанов, Абдулла, Умид, Хайриддинлар... Уларнинг аксарияти — ёшлар. Ёшларимиз тоғлар билан олишиб чиниқишди. Темир йўлни, сирасини гапирганда, ёшлар қурди.

Яна Шўробга қайтамиз. Кўчалари, уйлари одмигина қишлоқнинг файзи бугун бўлакча. Одамлар гўё тўйга-байрамга отланишгандек ораста кийинишган. Ёши саксондан ошган Аҳмад бобонинг ҳатто, ҳасса суяниб юришлари дадил. Шўробга поезд келди. Шўробга энди поезд қатнайди. Одамларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилиб. Тоғу адирликларни мудроқликдан уйғотиб. Қувонмай бўладими, ахир!

"Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси 166 йўл машина станцияси жамоасининг қувонганини айтинг. Ҳамза Маҳкамов шу жамоа машинисти. Денов туманининг Хайробод қишлоғидан. Чорак асрдан буён шу касбда ишлайди. Янги темир йўл қурилишининг биринчи кунидан бошлаб у шу ерда. Ҳамзадан қачон таътилга чиқасиз деб сўрасалар, у, йўлни қуриб бўлайлик, деб жавоб қилди. Қачон дам оласиз, деган саволга ҳам шундай жавоб қайтарди. Яқинда унга Президентимизнинг Фармонига биноан «Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони берилди. Шу қувончли кунда нималарни ўйлаётганини сўраймиз.

— Тўртта фарзандим бор, Худога шукр, — дейди у рельсдан кўзини олмай. — Улар энди Тошкентга Қумқўрғон-Тошкентнинг поезди билан қатнайдилар. Кейин... Анавиларни қаранг: Шуҳрат, Рустам, Муҳиддин, Нодирлар. Бирга ишладик улар билан. Камтар, камсуқум одамлар. Ишлар лекин чакки бўлмади. Мен уларни Мустақиллигимизнинг Алпомишлари, Фарҳодлари деб улуғлаган бўлардим.

— Ҳа, биз улуғ иш қилдик. Йўл қурдик, — дейди «Боштранспортлойиҳа» институти директори Рустам Рўзиев. — Баланд тоғларнинг, тубсиз чоҳларнинг, асов сойларнинг белига пўлатдан 223 километрлик камар боғладик. Шунчаки хўжакўрсинга, қўл учида қилинди бу ишлар дейдиганлар хато қилади. Бу — ростмана йўл бўлди. Ўзбекнинг табиатидек, иродасидек мустаҳкам, «Навоий-Учқудуқ-Султон Увайстоғ-Нукус» магистрали мисол мукаммал йўл бўлди. Бу йўллар халқимизни эртанги куннинг нурафшон бекатлари сари элтиб туражак.

**Олимжон УСАНОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.**

## ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

**ЎзМТДП Қораўзак туман кенгаши халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда «Соғлом танда — соғ ақл» мавзуида тадбир ўтказди.**

* * *

Партиянинг Қамаши туман кенгаши ташаббуси билан «Ёшлар — келажагимиз» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

* * *

**ЎзМТДП Қизирик туман кенгаши томонидан «Мустақиллик — олий неъмат» мавзуида йиғилиш ўтказилди.**

* * *

Партиянинг Данғара туман кенгаши «Камолот» ЁИҲ туман бўлими билан ҳамкорликда «Аёл маънавияти оламни асрар» мавзуида тадбир ташкил этди.

* * *

**ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши томонидан «Истиқлол муборак, она-Ватан» мавзуида тадбир уюштирилди.**

* * *

Партиянинг Сурхондарё вилоят кенгаши ташаббуси билан «Ўзбекистон халқининг ислом маданияти ривожига қўшган ҳиссаси» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

* * *

**ЎзМТДП Оқдарё туман кенгаши томонидан «Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва майда безориликларнинг олдини олишда партия кенгашлари олдидаги вазифалар» мавзуида давра суҳбати уюштирилди.**

* * *

Партиянинг Янгийўл туман кенгаши ташаббуси билан «Ватан, ягонамсан!» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

* * *

**ЎзМТДП Қамаши туман кенгаши ташаббуси билан «Миллий тикланиш — боқий партия» мавзуида учрашув ўтказилди.**

**ЎзМТДП Марказий кенгаши матбуот хизмати.**

● Нон ҳақида қўшиқ

# ОНАМ ЁПГАН КУЛЧАЛАР

Қип-қизариб пишган иккита иссиқ нон дастурхонга қўйилди. Вужудингизга нон қадар иссиқ туйғулар югурди. Димоғингиз хушбўй бир исни туйди. Хаёлан болаликнинг беғубор кўчалари сари кета бошлайсиз. Ана, қўлларига енгпўш ва рапида кийиб тандир бошида куймаланаётган аёл — онангиз. Сиз эса сўридаги болишчада аста мудрайсиз. Онанинг бир кўзи тандирда-ю, бир кўзи сизда.

"Болам ухлаб қолмасайди, ҳозир нон пишади..."

Сиз сархуш, кўзларингиз юмилиб-юмилиб бораркан, ўйлайсиз:

"Қўллари куймасмикин-а, онамнинг?"

* * *

Қадим замонда бир камбағал йигит яшаган экан. У бир парча нон топиш учун эрта-ю кеч қора терга ботиб ишларкан. Қўли бироз бўшаган пайтларда "шу қора меҳнатдан қандай қутулсамикин", — дея боши қотаркан.

"Аллоҳ менга шундай сеҳр ато этсаки, қўлим теккан нарса олтинга айланиб қолаверса!"

Шу ўйни кўнглидан кечириши биланоқ ғойибдан овоз келибди: "Истасанг, бажо бўлади!" Йигит қулоқларига ишонмай, ерда ётган тошчани олибди. Тошча дарров тиллага айланибди. Сўнг қорни очганини сезиб уйидан келган тугунчани очибди, бир бурда нон олиб оғзига солса тиши қаттиқ нарсага тегибди. Нон ҳам тиллага айланган экан! Бу ҳолдан қўрқиб кетган йигит энди бақирмоқчи бўлган экан, уйғониб қолибди. "Хайрият, тушим экан" севинибди у. Сўнг тугунчадан нонни олиб тавоф қилибдида, сувга ботириб ея бошлабди.

* * *

Йиллар, йиллар-а...

Қанча нарсалар ўзгариб кетди. Айвон рўпарасидаги тандир ҳамон жойида турибди. Бу тандирнинг илк кулчалари энг аввал шу хонадоннинг тўнғичи ётган бешик болишларига қўйилди. Болишчалар тагидаги кулчаларни ҳидлаб тўққиз кулча юпанчга айланиб, деворлар тўрига михланди. Тандир эса яна қанчадан-қанча одамларга насиба улашаверди.

* * *

Ёши тўқсондан ошган бир момони билардим. Кимни дуо қилса, "нондек табаррук бўлинг" дерди. "Бу сўзларингизнинг маъноси не" деб сўрадим бир куни. Момо узоқ сўзлади, мен эшитдим.

— Очлик йиллари қурсин, болам. Лавлаги ейишди, кунжарани, баргларни шимдилар, дарахт илдизларини қайнатиб чайнадилар, ҳеч бири нон ўрнини босолмади. Одамлар очликдан қирилиб кетди. Уйимизда олти киши шишиб ўлди. Бахтим бор экан, шу кунларгача етиб келдим. Энди ўйласам, нон фақат тўкин-сочинликнинг эмас, узоқ умримизнинг ҳам гарови экан.

Онахоннинг сўзларини тинглаётиб, уруш йилларида йигирма уч миллатга мансуб 150 нафар етимни болалар уйида тарбиялаган каттақўрғонлик Клавдия Телевная ҳақида ўқиганларим ёдимга тушди.

— Эсида, болалар уйида совун қолмади, — дея ёзилганди шу аёл ҳақидаги хотираларда. — Ахтариб тополмагач бозорга чиқди. У ерда жуда қиммат, фақат нонга алмашишарди. Қандай бўлмасин, совун топиш керак. Бўлмаса болалар кирланиб, касалга чалинишади. Бир кишида бор экан, ялиниб борди ўшанга. У бўлса "менда йўқ" деб туриб олди. Шундан сўнг хўжалик ишлари мудири иккаласи бир ҳафта нон ейишмади, турли нарсаларни чайнаб кун кўришди. Бир ярим буханка нон бериб, бир дона совун олди ўша муттаҳамдан...

* * *

Бошоқлари чайқалиб турган буғдойзор кўз олдимдан ўтади. Ҳар қаричи олтиндай асралаётган буғдойзор. Ҳар бурдаси олтиндай асралмаётган нонлар. Буғдойнинг нон ҳолига келгунича кетадиган олтин вақтлар...



Қадимда мардикорларнинг хизмат ҳақи учун уларга нон бериларкан. Энг кўп ишлаган одам бир сават нон билан сийланган. "Менинг ноним ҳалол", "Нонимни топиб ея оламан" деган иборалар ўша даврлардан бизгача етиб келган бўлса ажабмас.

* * *

Бир куни қишлоққа қайтдингиз. Энг аввал айвон рўпарасига кўзингиз тушди. Тандир ўрни теп-текис эди. Кўнглингиз синиб, акангизга боқдингиз.

"Энди тандир керакмас, ёнимизда новвойхона ишлаяпти", — деди у. Индамадингиз. Лекин ўша жойга бот-бот кўзингиз тушаверди. Юраги куйса-да, қўллари куймаган онангиз узоқ йиллар нон пиширганди у жойда. Ахийри бўғзингиздаги истак тилингизга чиқди:

— Яна келгунимча тандирни қуриб қўйинг, ака. Уни кўрсам онамни кўргандек бўламан!

Орадан ойлар ўтиб қишлоққа қайтдингиз. Ҳовлига киргач тандирни кўриб чеҳрангиз очилди. Шу заҳотиёқ бир четда ётган енгпўш ва рапидани силаб қўйдингиз.

Онаизорни эсладингиз.

* * *

Ичи тўла нони билан тандир қизаради.

Иссиқ нонни бирма-бир узиб саватга жойлаётган аёлнинг юзлари ҳам қип-қизил. Бижилдоқ қизчангиз тандир ёнида онасига сўз қотади:

— Қўлларингиз куймаяптими, ойижон?!

— Йўқ, қизалоғим, оналарнинг қўллари ҳеч вақт куймайди, чунки бу қўллар нон пиширмоқ учун яратилган, — дейсиз сиз.

Ҳа, аёлнинг ўзи нонни дунёга келтирган. Шу учун ҳам нон аёл каби азиз, аёл каби табаррук!

Нон пишди. Уни дастурхонга қўяётган аёл сизга онангиз каби яқин. Иссиқ нонни олиб димоғингизга тутасиз. Нон иси билан бирга онангизнинг таниш ва қадрдон иси руҳингизни эркалайди. Ҳузурланиб, кўзларингизни юмасиз, сўнг ўйлайсиз:

"Шу ҳидни яратганлар ҳам, тарқатганлар ҳам бор бўлсин. Нон ҳидини туйиб яшаш — мўъжиза!"

Ҳар биримиз ана шу мўъжиза ичра яшайлик.

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.**

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Президентимизнинг Фармонига кўра, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн олти йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳи мукофотланди.

Улар орасидан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаолларидан М. Қориёқубов номидаги Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси раҳбари **Ўлмас Саиджонов** "Фидокорона хизматлари учун" ордени, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, адабиётшунос ва таржимон **Иброҳим Ғафуров** "Меҳнат шуҳрати" ордени билан тақдирланди.

Партиядошларимизни юксак мукофотлар билан табриклаймиз.

● Ифтихор

# ШУ ЮРТДА ЯШАШ БАХТИ

Тоғам охирги марта йигирма йиллар олдин пойтахтга келган. Буни у қишлоқда — уйига борганимизда гапириб берган. Шаҳарни айланганлари, "Пахтакор"даги "аншлаг", жўраси Райимберди аканинг метрода жетон ташланадиган жойдан қандай сакраб ўтгани ҳақида... ҳикоя қилган эди.

Тоғамнинг дипломи йўқ. Оддий деҳқон одам. Аммо шундай соддалик билан, оддий, самимий гапирадики, катта-катта мавзуларда эмас, шунчаки гурунг асносида гапирган сўзлари ҳам одамга ёқади.

— Тоға, — дедим бир куни оғилнинг устини сувағанда ҳашарга борган куним, — шу пахса уйингизда димиқиб кетмайсизми? Шаҳарга борсангиз, сизбоп бир иш топардик.

— Қўйиб беришса жиян, мана шу томда яшаган бўлардим. Болалигимда шу ерга чиқиб ўйнашни ёқтирардим. Катта энанг раҳматли мени ерга туширолмай овора бўларди. Шу ернинг лойидан яратилганмиз-да, жиян...

Яқинда тоғам Тошкентга келди. У билан айланишга чиқдик. Истироҳат боғида негадир дам олишни унчалик хоҳламади. Кинога тушдик. Фильмнинг ярмида жойидан туриб кетди... Ўйланиб қолдим.

— Айтганча, тоға, Мустақиллик майдонига бормаймизми?

Тоғамнинг "Мустақиллик" сўзини эшитиб чиройи очилгани шундоқ билинди:

— Телевизорда кўрсатадиган анави қушлар бор майдонни айтяпсанми? Ўлма, жиян! Аслида шуни кўрай деб келувдим-да Тошкентга!

Майдонга етиб келдик. Қизиқ, аввалари неча бор келган бўлсам, бирон марта бу жойнинг гўзаллигини, улуғворлигини пайқамаган эканман. Ҳамроҳимнинг кўзидаги қувонч ва ҳайратни кўриб мен ҳам тўлқинланиб кетдим.

Бахтиёр она ҳайкали ёнида туриб тоғамнинг шундай оҳангда гапирганини эшитдим:

— Шундай юртда яшарканмиз-ку, жиян!

Шукроналикни бундай оддий сўзлар билан чиройли қилиб ҳеч бир адиб, ҳеч бир шоир ифодалай олмаса керак.

Тоғамнинг "Ватан" деган сўзни ишлатганини эслолмайман. "Ватанни севиш" қандай бўлишини сўрасангиз, жўяли бир фикр ҳам айтолмайди. Тақдирида шу юртда туғилиб, шу ерда яшаш бахти борлигига шукур қилишни билади, холос.

**Элмурод НИШОНОВ.**

Қарор ва ижро

# ҲАРАКАТ ФАОЛИЯТИДА ЕТАКЧИНИНГ ЎРНИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ташаббуси билан республика олий таълим муассасаларида таълим олаётган талабалар етакчилари учун икки кунлик ўқув-семинари бўлиб ўтди. Унда Олий ва ўрта таълим вазирининг биринчи ўринбосари А.Парпиев, Мудофаа вазирлиги бошқарма бошлиғи подполковник И. Иноятов, шунингдек, вилоятлардан ташриф буюрган ёшлар етакчилари ҳамда ОАВ ходимлари қатнашди.

Анжуманда жойлардаги бошланғич ташкилотлари фаолиятини янада жонлантиришда Президентимизнинг 2005 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлар сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг ижроси, ҳаракат аъзолигига қабул қилишда амалга ошириладиган ва эътибор қаратиш лозим бўлган вазифалар кенг муҳокама қилинди.

Таъкидлаб ўтилдики, жорий йилда 8850 нафар абитуриент олий таълим муассасаларига ҳарбий тавсиянома билан имтиҳонларда қатнашди, уларнинг 7469 нафари талабалик шарафига мушарраф бўлишди. Шартнома-контракт асосида ўқишга қабул қилинганларнинг тўлов микдорининг 35 фоизи «Камолот» ЁИҲ Марказий кенгаши қарори асосида қопланиши режалаштирилган. Бундан кўзда тутилган мақсад шуки, ёшларга таълим-тарбия бериш муҳитини яхшилаш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини ошириш, ютуқларини оммалаштириш ва моддий жиҳатдан уларни қўллаб-қувватлашдир. Айни шу йўналишда 487 миллион сўм сарф қилинган.

Мамлакатимиз ёшларига бу қадар ғамхўрлик кўрсатилаётганлигининг моҳиятини англатиш, тушунтириш ва албатта шунга яраша жавоб бериш масъулияти, айниқса, етакчилар зиммасига улкан вазифаларни юклайди. Шу боис «Етакчи» ёшлар ўқув марказининг очилиши ҳам бу борадаги муҳим қадамдир. Ушбу тадбир «Ҳаракат фаолиятида етакчининг ўрни»ни белгилаб олишда ёрдам беради.

**Муродулла ҒАФУРОВ.**

Партия ҳаёти

# «НИҲОЛ»ДА СПОРТ МУСОБАҚАСИ

ЎзМТДП Марказий кенгаши "Ёшлар қаноти" ташаббуси билан Бектемир туман "Ниҳол" болалар спорт клубида мустақиллигимизнинг 16 йиллиги арафасида "Мустақиллик ва ёшлар" номли спорт мусобақаси ўтказилди. Тадбирда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Хайринисо Мирзажонова йиғилганларни Энг азиз, энг улуғ байрам билан муборакбод этди. Мусобақани ўтказишдан мақсад ёшларни оммавий спорт тадбирларига жалб этиш, улар орасида соғлом турмуш тарзини яратишдан иборат эди. Иштирокчилар эркин кураш, шахмат-шашка, баскетбол, енгил атлетика, тош кўтариш, арқон тортиш, таэквондо ИТФ йўналишлари бўйича беллашдилар. Айтиш жоизки, "Ниҳол" спорт клуби шу йили Италиянинг Каляри шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионати мусобақасида иштирок этиб, биринчиликни қўлга киритди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати





Раъно Зарипова юртимиз байроғини баланд кўтарган спортчи болажонларни чин дилдан муборакбод этди.

Спорт мусобақаси кўтаринки кайфиятда ўтди. Мусобақа ғолиблари ЎзМТДП Марказий кенгашининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарифа Салимова, Марказий кенгаш "Ёшлар қаноти" аъзолари ва партия фаоллари иштирок этишди.

**Адибахон РАҲМАТУЛЛАЕВА.**

**Азамат АҲМАД олган суратлар.**

# ТИББИЁТЧИ ҲАМ ТАРҒИБОТЧИ

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 35-оилавий поликлиникада Энг улуғ, азиз байрамимиз — мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллиги муносабати билан «Маънавият ва мустақиллик» мавзуида тадбир уюштирилди. Унда тиббий маскан ходимлари ва боғча-мактабларда болалар билан ишлайдиган ҳамширалар иштирок этишди.

— Поликлиникамизда 200 нафардан ортиқ тиббиёт ходими фаолият кўрсатади, — деди тадбирда оилавий поликлиника бош шифокори Муқаддас Раҳматуллаева. — Ҳудудимиздаги 40 минг нафардан зиёд кишига тиббий хизмат кўрсатамиз. Жамоамиз аҳоли билан доимий мулоқотда бўлади, беморларнинг дардига шифо излаши билан бирга кўнгилларига ҳам йўл топади. Табиийки, оилада тиббий маданиятни ошириш ва ёшлар тарбияси масалалари доимий эътиборимизда. Демак, тиббиётчиларни ҳам маънавият тарғиботчилари дейиш мумкин.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Сарвар Абдуллаев сўз олди.

— Болалигимиздан шу поликлиникага қатнаганимиз учунми, бу даргоҳ менга жуда қадрдон, — деди у. — Саломатлигимизни деб қайғуришгани учун оқ халатли, оққўнгил соғлиғимиз жонкуярларини жамиятимизнинг маънавий илғор вакиллари дегим келади. Аслида тиббиёт ва маънавият бир-бири билан узвий боғлиқ. Жисмоний, руҳий соғлом, маънавий баркамол инсонгина ўзини ҳам, бошқаларни ҳам ўйлайди, келажакка интилиб яшайди.

Республика Маънавият тарғибот маркази бўлим бошлиғи Шамсиддин Жумаев, «Моҳият» газетаси бош муҳаррири Абдумажид Азимовлар юртимизда истиқлол йилларида эришилган ютуқлар, миллий ўзлигимиз ва маънавий қадриятларимиз, уларни асраб-авайлаш, техник тараққиёт асрида фарзандлар тарбиясида эътиборни қаратиш керак бўлган жиҳатлар ҳақида фикр-мулоҳазаларини йиғилганлар билан ўртоқлашдилар.

**Акром ҲАЙИТНАЗАРОВ.**

***ЎзМТДП Марказий кенгаши Юнусобод туман кенгаши билан ҳамкорликда «Бободеҳқон» маҳалласида мустақиллигимизнинг 16 йиллиги муносабати билан тадбир уюштирди. Бир гуруҳ партия фаоллари билан бўлган учрашувда маҳалладаги кекса-ю ёш иштирок этди.***

# «БОБОДЕҲҚОН»ДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

— Ҳудуддаги партиядошларимиз, маҳалла фаоллари билан яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз, — дейди Юнусобод туман кенгаши раиси Матлуба Ибрагимова. — Турли мавзуларда учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиб турамиз.

Тадбирда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Х. Мирзажонова иштирокчиларни Энг улуғ, энг азиз байрамимиз билан табриклади.

— Авваллари бу ерда яшовчи кишилар асосан деҳқончилик, боғдорчилик билан шуғулланишган. Шаҳарликларга мева-сабзавот етказиб берган. Ҳозир ҳудудимиздаги 720 та хонадонда 4726 нафар аҳоли истиқомат қилади, — деди маҳалла оқсоқоли Турғун Қодиров. — Бундай тадбирлар кўп ўтказилади. Байрам арафасида кам таъминланган оилаларда бўлиб, уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашиб, маҳалладошларнинг ҳолидан хабар олишга одатланганмиз. Хусусий тадбиркор Абдужалил Ваҳобов, Дониёр Ҳамидовлар ҳар доим ишимизга камарбаста бўлиб, беминнат ҳомийлик ёрдамини кўрсатишади. Маҳалладаги катта-кичик улардан миннатдор.

Йиғилганлар байрам дастурхони атрофида дилдан суҳбатлашишди.

**Гулбаҳор ОРТИҚХЎЖАЕВА.**

# «БИЗ ТИНЧЛИКСЕВАР ФАРЗАНДЛАРМИЗ»

Ёш ижодкорларнинг Ижтимоий ҳимоя йили ҳамда юртимиз мустақиллигига бағишланган "Биз тинчликсевар юрт фарзандларимиз" фестивали бўлиб ўтди. Тадбир "Камолот" ЁИҲ Марказий Кенгаши ташаббуси билан Халқ таълими вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Болалар бадиий ижодиёти, Болалар ижтимоий мослашуви, Республика техника ижодиёти ва ўқувчи ёшлар марказлари, "Биоэкосан" ўқув услубий маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди. Иқтидорли ёшларнинг ижодини тарғиб қилиш ва уларни қўллаб қувватлаш мақсадида уюштирилган мазкур фестивалда юртимизда яшаб ижод қилаётган, имконияти чекланган ижодкор болалар, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган оила фарзандлари иштирок этишди. 6 ёшдан 25 ёшгача бўлган ёшларнинг "Усто ва шогирд", "Мастер класс", "Асфальтдаги тасвир", "Мольбертдаги рангтасвир" танловлари, либослар кўриги, қушлар ва гуллар жилоси, авиомодель ва ракетамоделчиларнинг кўргазмали чиқишлари намойиш этилди. Ҳамманинг бирдек эътиборини тортган нарса осмону фалакка кўтарилган ракета бўлди. Ёш йигитчалар бу қурилмани бемалол бошқаришарди.



— Биз шогирдларимиз билан ракета, самолёт, машина моделларининг қурилмасини олиб келдик, — дейди "Ёш фазогир" тўгараги раҳбари Абдурашид Ҳожибоев. — Тоир Зокиров 9-синф битирувчиси. У бу ракетани ўзи ясаган. Бу каби иқтидорли ўқувчилар тўгаракда кўплаб топилади.

Миллийликни сақлаган ҳолда замонавий уйғунликда яратилган қадимий заргарлик буюмлари нафислиги, гўзаллиги билан инсонни ром этади. Буларнинг бари 8-синф битирувчиси Содиқ Зуфаров томонидан яратилгани эса ёшларнинг иқтидорли, истеъдодли эканлигидан далолатдир.

Миллий қадриятларимиз, тарихимизни ўзида акс эттирган ижод намуналари юқори баҳоланиб, муаллифлар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

**Адибахон ҒАЙРАТ қизи.**

# ҚУТЛАЙМИЗ!



Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллигига бағишлаб ўтказилган «Энг улуғ ва энг азиз» республика кўрик-танлови ғолиблари орасида газетамизнинг фаол муаллифи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Гулчеҳра Жамилова ҳам бор. Бу иқтидорли қалам соҳибаси кўрик-танловнинг рағбатлантирувчи мукофоти билан тақдирланди. Биз ҳамкасбимизни мамлакатимиз ижодкорларининг шарафли мукофотига эга бўлганлиги билан қизғин муборакбод этамиз ва ижодий ишларига муваффақият ёр бўлишини тилаймиз.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

***Мустақилликнинг илк пайтида собиқ иттифоқ давридан қолган тоталитар жамиятга хос бўлган қарашлар ва ижтимоий-сиёсий муносабатларга барҳам бериш энг асосий вазифалардан бири эди. Бу пайтда ҳали фуқаролик жамиятининг унсурлари шаклланмаганди. Янги жамият қуриш соҳасида миллий тажрибанинг мавжуд эмаслиги, шунингдек, демократик қадриятларни халқ менталитетига сингмаганлиги, қолаверса, ҳали янги жамиятнинг иқтисодий асослари шаклланмаганлиги каби кўплаб муаммолар ечимини топиш асосий вазифалар ҳисобланар эди.***

# БОШ МАҚСАД — ХАЛҚ МАНФААТИ

Айниқса, 1990 йил 21 июлда Юртбошимиз ташаббуси билан Олий Кенгаш томонидан қабул қилинган Мустақиллик Декларацияси мамлакатнинг истиқболи ва ривожланиш йўли ҳақидаги асосий ғояларни эълон қилди. Мазкур Декларация республикамизнинг давлат ва миллий мустақиллиги ўрнатилиши жараёнида муҳим аҳамият касб этди.

Ёш мустақил республикамизда жамиятни шакллантириш ҳамда ривожлантиришнинг бир неча муқобил йўллари мавжуд эди. Лекин Президентимиз томонидан мамлакатда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш асосий стратегик мақсад сифатида эълон қилинди. Бу 1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституциясида ўз ифодасини топди. Қомусимизнинг ғоялари, мақсадлари, руҳи, унинг ҳар бир қоидаси «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси», бир неча асрлар мобайнида илғор ва етакчи мамлакатларда шаклланган демократик қадриятлар, шунингдек, минг йиллардан буён авлоддан авлодга мерос бўлиб келаётган миллий мерос ва давлатчилик анъаналарини ўзида мужассамлаштирди.

Мамлакатда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш мақсадида 1991 йил 15 февралда Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. У юртимизда фаолият юритаётган барча жамоат бирлашмалари фаолиятини тубдан ислоҳ қилишга, уларни собиқ тоталитар яккаҳоким мафкурадан покланишига, шу билан бирга, барча жамоат бирлашмаларини давлат ва ҳукумат тизимидан ажратиш учун ҳуқуқий асос вазифасини ўтади.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этиш ислоҳотлари энг мураккаб ва машаққатли синовларни бошдан кечирди. Чунки, мамлакатда эскидан мерос бўлиб қолган анъаналар ва мустабид жамиятнинг асоратлари ҳали ҳам яшамокда эди. Шунингдек, фуқаролар ҳали фуқаролик жамияти қуришга доир илғор тажрибаларни эгалламаганлиги сабабли уларнинг сиёсий маданиятларини ривожлантиришга зарурият сезилмокда эди.

Ана шундай мураккаб ва қийин шароитларда юртимиз раҳбари томонидан бозор иқтисоди асосидаги фуқаролик жамиятига ўтиш даврининг концептуал назарий асослари ишлаб чиқилди. Унда мамлакат тарихий ривожланиш анъаналари, демократик тамойиллар ва халқимиз дунёқарашига хос бўлган хусусиятлар инобатга олинди, давлатнинг миллий манфаатларига жиддий эътибор қаратилди. Ўтиш даврида давлат ва жамият қурилиши, бозор иқтисодиётини шакллантириш соҳасидаги ислоҳотлар жараёнларини бешта асосий қоида асосида амалга ошириш концепцияси ишлаб чиқилди.

Давлатимиз раҳбарининг янги жамият қуришга доир қарашларига кўра фуқаролик жамияти назарияси ва амалиёти ҳар бир мамлакатнинг миллий қадриятлари, халқнинг миллий менталитети ва миллий анъаналарини ўзида ифодалаши зарур. Бу шунинг учун ҳам зарурки, фуқаролик жамияти барпо этишда ҳар бир халқ ўз миллий манфаатларини жамиятдаги нодавлат тузилмаларда ифода этилишини чуқур англаш лозим.

Айни вақтда, фуқаролик жамияти қуришга доир ислоҳотларни инқилобий йўл билан амалга ошириш ўзининг вайронагарчилиги, миллионлаб аҳоли турмуш даражасининг пасайиб кетиши, жамиятдаги ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар ўртасидаги зиддиятларнинг чуқурлашиб кетиши каби салбий ҳолатларни келтириб чиқаради. Ана шундай мулоҳазалардан келиб чиқиб мамлакатимиз раҳбари янги қурилажак фуқаролик жамиятининг «Ўзбек модели»га хос жиҳатларини таҳлил этар экан, унинг асосий моҳиятини қуйидагича таърифлайди: «Биз учун фуқаролик жамияти — ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришга монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Айни вақтда бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди».

Илгари сурилган фуқаролик жамиятига доир назарий қарашлар бир томондан, илғор ривожланган мамлакатлар тажрибасини инобатга олишга асосланса, иккинчи томондан, фуқаролик жамияти қуришнинг миллий жиҳатларига муҳим эътибор қаратиши билан ҳам ўзида замонавийлик касб этади. Шунингдек, фуқаролик жамияти қуриш жараёнларида давлатнинг бош ислоҳотчилик ўрнини ошириш, бу жараёнларни янада чуқурлаштириш, янги жамият қуришга доир ислоҳотларни ҳуқуқий давлат қуриш мақсадлари билан уйғунлаштиришга муҳим эътибор қаратилган.

Ҳозир Президентимиз томонидан илгари сурилган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» концептуал дастурни амалга ошириш янги босқичга кирди. Мамлакатимизда жамиятнинг ҳамма жабҳаларини демократиялаштиришга ёрдам берадиган фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш даври бошланди.

Икки палатали парламент ислоҳотлари билан узвий боғлиқликда нодавлат ва жамоат ташкилотларини ижтимоий табақалар ва гуруҳлар манфаатларини ифодаловчи ташкилотлар даражасига кўтариш, қонунларда жамиятдаги турли-туман ижтимоий қатламларнинг манфаатларини ифодалаш, шунингдек, фуқароларнинг жамият ва давлат бошқарувидаги иштирокини фаоллаштириш учун барча шарт-шароитлар яратилди. Фуқаролик жамияти институтларининг янада кенгроқ фаолият юритишларини таъминлаш мақсадларида янги ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилди.

Мустақиллик йилларида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаолиятини такомиллаштириш ва демократлаштириш мақсадларида «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» янги таҳрирдаги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Жамоат жамғармалари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди.

Фуқаролик жамияти қуриш дунё тажрибасидан маълумки, ҳар бир сиёсий партия ўзининг муайян сиёсий мафкурасига эга бўлиши лозим. Партиянинг сиёсий мафкурага эга бўлиш зарурияти унинг қайси ижтимоий қатлам манфаатларини ифода этиши билан боғлиқдир.

Мамлакатимиздаги сиёсий партиялар фаолияти шу жиҳатлардан таҳлил этилганда уларнинг сиёсий мафкуралари ўртасидаги фарқланишларни аниқлаштиришга зарурият сезилмоқда, назаримизда. Умуман, ҳар бир сиёсий партия ўз ижтимоий таянчи бўлган бир ёки икки ижтимоий қатлам манфаатлари ва сиёсий иродаларини ифодалаш ҳамда ҳимояга эга бўлиши билан ўз функцияларини тўлиқ бажара олиши мумкин. Зеро, "партия" тушунчаси лотин тилидаги "парча" ёки "қисм" мазмунини беради. Бу дегани партия жамиятнинг бир қисми, яъни бир неча ижтимоий қатламнинг партияси бўла олиши мумкин. Бошқача айтганда, партия билан унинг таянч ижтимоий қатлами мафкураси бир хил бўлиши тақозо этилади.

Агар республикамизда 13 млн.дан ортиқроқ сайловчи бўлса, сиёсий партиялар тақдим этган статистик маълумотларга биноан тахминан 800-900 минг атрофида расмий партия аъзоси мавжуд. Демак, юртимизда фуқароларнинг тахминан 6-7 фоизи у ёки бу партия аъзосиисобланади. Бу кўрсаткични жаҳон тажрибаси билан қиёсласак, бизда "партиявий аҳоли" сонининг бир мунча ўсганлигига гувоҳ бўламиз. Масалан, Германия Федератив Республикасида ҳам сиёсий партия аъзолари аҳолининг тахминан 8-10 фоизини ташкил этади. Кўпчилик ривожланган мамлакатларда ҳам шунга яқин ҳолатларни кузатиш мумкин. Лекин, назаримизда аҳолининг қанча қисми партия аъзоси бўлишининг унчалик аҳамияти йўқ.

Партияларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокида уларнинг аъзоларини кўп бўлиши эмас, балки уларнинг қанча қисми фаол бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Германиядаги ўртача сайлов округларидан бири таҳлил этилганида, 3200 нафар партия аъзосидан фақат 480 таси фаол эканлиги, 384 та партия етакчиси ва 96 та бошланғич ташкилот етакчиларининг фаоллиги аниқланган. Бу кўрсаткичларни умумлаштирганда партия аъзоларининг фақат 30 фоизигина фаол эканлиги аниқланган.

Сиёсий партияларнинг жамиятдаги ва сиёсий муносабатлардаги вазиятларини тўла бажариш имкониятини шакллантириш учун уларнинг фаолиятини молиявий жиҳатдан кафолатлаш тажрибаси Ўзбекистонга ҳам кириб келди. 2004 йил 30 апрелда иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг XIV сессияси «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунни қабул қилди. Умуман, давлат томонидан молиявий ёрдам бериш партияларнинг сиёсий рақобатдаги имкониятлар тенгсизлигини камайтиради, уларнинг алоҳида жисмоний ёки ҳуқуқий шахслар гуруҳларига нисбатан қарамлигига барҳам беради.

Шу билан бирга, мазкур қонунга биноан сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатаси ва давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик органларига бўладиган сайловда иштирок этиши ҳам давлат томонидан молиялаштирилади. Бу ҳол сайловларни демократик тамойиллар асосида кечишини ҳар томонлама кафолатлайди. Партияларнинг марказий ва маҳаллий органлари сайловчилар билан ҳар томонлама алоқа боғлаш, ўз фаолиятларини сайловчилар ҳоҳиш-иродалари асосида кечишини амалга ошира олиш имкониятларига эга бўладилар. Муҳими, партияларнинг дастурий мақсад ва вазифаларини амалга ошира олишнинг молиявий асослари яратилди.

Президентимиз ташаббуси билан «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимиздаги ислоҳотларнинг янада чуқурлашиб бораётганлигини англатади. Қонуннинг 2-моддаси «Қонунчилик палатасида сиёсий партияларнинг фракциялари» деб номланиб, унда «сиёсий партия фракцияси» тушунчаси демократик қадриятлар тажрибаси асосида бойитилади.

Конституциявий Қонунда илгари сурилаётган демократик қадриятларнинг муҳим томони шундаки, унда илк бор парламентдаги мухолифат партия фракциясининг ҳуқуқларини қатъий тарзда мустаҳкамлаб қўйганлигидадир. Қонунда мухолифат бўлиш озчиликнинг ҳуқуқлари халқаро тажрибаларда шаклланган демократик анъаналар асосида ифодаланди. Шунингдек, қонун ҳукуматни, хусусан, Бош вазирни тайинлашда ҳам сиёсий партияларнинг ролини ниҳоятда юқори даражага кўтарди. Албатта, Бош вазирни тайинлашда сиёсий партияларнинг парламент қуйи палатасида эгаллаган ўринларининг эътироф этилиши, шу билан бир вақтда сиёсий партия фракцияларнинг озчилик ўринларни эгаллашидан қатъий назар ўз нуқтаи назар ва фикрини билдира олиш ҳуқуқларининг берилиши энг муҳим демократик принципларга амал қилиш маъсулияти ўрнатилганлигини англатади.

Бир сўз билан айтганда, Конституциявий Қонун мамлакатда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш ислоҳотларини чуқурлаштиришнинг «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилининг сиёсий ҳаётда амалга оширилаётганлигининг исботидир. Шу билан бирга, мазкур қонуннинг қабул қилиниши мамлакатда икки палатали парламентни шакллантиришга қаратилган ислоҳотларнинг узвий қисмидир.

Умуман олганда, олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида парламент фуқароларга, уларнинг ижтимоий-сиёсий ташкилотларига, умуман, жамият институтларига тобора яқинлашиб бормоқда. Икки палатали парламент сиёсий партиялар воситасида нафақат жамиятдаги ижтимоий қатламлар, балки, шу билан бирга, минтақавий манфаатларни эътиборга олувчи, фуқароларнинг иродаларини янада кенгроқ ифодаловчи халқ минбарига айланади.

Жамиятда ва давлат ҳокимиятини шакллантиришда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш натижасида сиёсий партияларнинг демократик тамойиллар асосидаги шаклланиш жараёнлари янги паллага кирди. Сиёсий партиялар нуфузининг ошиб бориши билан қонунларда фуқаролар турли ижтимоий табақаларининг туб манфаатлари янада кенг ифодаланишига эришилади.

Ҳозир тобора чуқурлашиб бораётган ислоҳотлар жараёнлари шуни кўрсатадики, давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролининг кучайиши, шунингдек, икки палатали парламентни шакллантиришга доир ислоҳотларнинг бош йўналиши давлат қурилиши ва жамият сиёсий соҳасини эркинлаштириш сари муҳим қадамдир. Бу ислоҳотлардан кўзда тутилган бош мақсад халқ манфаатидир!

**Мунирахон ҚОРИЕВА,**
**«Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси.**

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

# САВОБЛИ ИШЛАР

**Бухоро вилоятига навбатдаги сафаримиз чоғида Ғиждувон туманида олиб борилаётган эзгу ишлар билан танишишимизни маслаҳат беришди.**

Юртимизда аҳоли зичлиги жиҳатидан юқори ўринлардан бирида бўлган Ғиждувон туманида бугунги кунда 252 минг киши истиқомат қилади, уларнинг аксарияти ёшлар. Ёшларнинг ўсиб улғайиши, ҳаётда ўз ўрнини топишида ўрта ва ўрта махсус ўқув юртларининг ўрни алоҳида. Жумладан, Ғиждувон тиббиёт коллежи илғор ва замонавий билим масканларидан бири бўлиб, бу ерда акушерлик иши, ҳамширалик ва ортопедик стоматология каби касблар ўргатилади.

— Таълим соҳасида кўплаб ютуқларга эришаётганимиз рост, — дейди коллеж директори Мурод Мухторов. — Лекин ёрдамга муҳтож ёшларни ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни йўлга қўйганмиз. Биргина ушбу йилда ижтимоий ҳимояга муҳтож 12 нафар ўқувчимизни ҳар томонлама оталиққа олиб, уларга 347 минг сўм овқат пули ажратилди. 310 минг сўмлик спорт формаси олиб берилди, 221 минг сўм компенсация тўланди. Коллежимизда "Уруш бўлмасин жаҳонда" иншолар танловининг республика босқичи совриндори Муҳаббат Исроилова каби истеъдодли ёшлар кўплаб топилади.

Ўқув масканида ташкил этилган ўндан ортиқ кенгашлар фаолияти ҳам диққатга сазовор. Улар орасида "Гуруҳ раҳбарлари кенгаши" фаолияти қизиқарли ташкил этилган бўлиб, унда тарбиявий жараёнлар тўлиқ қамраб олинди.

Коллежни тугатаётганларнинг кўпчилиги Ғиждувон туман марказий маслаҳат поликлиникасига ишга жойлашишади. Бош врач Юсуф Холиқовдан амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўрадик.

— Туманда 1060 нафар қандли диабет касали билан оғриган беморлар бор. Бу каби ижтимоий ҳимояга муҳтожларга бепул дори-дармон берилади, — дейди у. — Бу йил стоматология бўлими қарийб 600 минг сўмлик асбоб-ускуна билан таъминланди. Туғиш ёшидаги аёллар ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтказилиб, қишлоқ врачлик пунктларида уларга ёрдам кўрсатилмоқда. Биргина Ғиждувон шаҳрида 1840 ногирон аниқланди, беморлар касалхоналарга жойлаштирилиб, аравачалар, протезлар, эшитув аппаратлари, кўзойнаклар билан таъминланмоқда. "Соғ танда соғлом ақл", "Тозалик — соғлик гарови", "Гиёҳвандлиқ — аср оғуси" каби мавзуларда тарғибот ишлари мунтазам олиб борилмоқда.

**Бахтиёр ТЕМУР,**
**"Миллий тикланиш" мухбири.**


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ
Сизни юртимизнинг буюк
МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ
билан табриклайди ва сизга соғлик-саломатлик,
оилангизга тинчлик-хотиржамлик, ишларингизга ривож тилайди
ва Сизни «ЎзМиллийбанк»нинг кўпмиллионлик оиласига қўшилишингизни таклиф
қилади. Чунки биз:
— Ўзбекистондаги банк хизматлари бозорида пешқадамлик қилаяпмиз
— Барқарор ва жўшқин ривожланаётган профессионал молия институти
— Универсал, тижорат, инвестиция ва жамғарма банки ҳисобланамиз
NBU
ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ БАНКИ:
МИЛЛИЙ БАНК БИЛАН
БУЮК КЕЛАЖАК САРИ!


РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ —
«ҒАЛЛАБАНК»
Энг улуғ, энг азиз байрам — мамлакатимиз
мустақиллигининг 16 йиллиги билан бутун юртимиз
аҳолисини, мижозларини ва ҳамкорларини чин дилдан
табриклайди.
Барчага соғлик-саломатлик, оилавий бахт ва дастурхони тўкин бўлишини тилайди.
«Ғаллабанк» халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият юритаётган мижозлари билан фахрланади!
Шунингдек, мамлакатимизда ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзли шартлар асосида
МИКРОКРЕДИТЛАР
ИПОТЕКА КРЕДИТИ
МОЛИЯВИЙ ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТИНИ
таклиф этади
Бундан ташқари, банкда
«MUSTAQIL DIYOR» — 1 ой
«IFTIXOR» — 2 ой
«SAXOVATPESHA» — 3 ой
каби янги муддатли омонат турлари амалга киритилганлигини маълум қиламиз.
Мазкур омонат турларига маблағ 2007 йилнинг 15 августидан 15 сентябригача қадар
қабул қилинади ва йиллик 25% миқдорида устама ҳисобланади.
Маълумотлар учун телефонлар:
136-15-01, 136-14-22, 136-74-30
«Ғаллабанк» хонадонингизга барака келтирсин!

Мустақиллик иншоотлари

# ЗАНГИОТАДА ЯНГИ КОРХОНА





Зангиота туманидаги «Чиғатой оқтепа» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида мустақиллигимизнинг 16 йиллик байрами арафасида «DENTAFILL — PLYUS» хусусий корхонаси ишга туширилди. Корхона кўп тармоқли бўлиб, унда тиш пастасидан тортиб, ҳар хил кремлар ишлаб чиқариш, спорт кийимлари-ю иш кийимлари тикиш йўлга қўйилган.

— Келгусида аёллар пальтоси ва йигит-қизларга костюм-шимлар тикишни ҳам режалаштирганмиз, — дейди корхона раҳбари Носир Қосимов. — Тайёр маҳсулотларимиз Хоразм, Қашқадарё, Фарғона вилоятларида ҳам ўз харидорларини топиб улгурди. Цехларимиздаги замонавий компьютерлаштирилган ишлаб чиқариш дастгоҳлари хориждан келтирилди. Энг муҳими, корхона ишга тушгач, 50 та янги иш ўрни яратилди.

Азамат АҲМАД олган суратлар.

Кўргазма

# АСАРЛАРДА ЮРТ АКСИ

***Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида юртимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган "Энг улуғ, энг азиз" республика бадиий кўргазмаси очилди.***

Унинг тематик ва жанрли диапазони кенг қамровли ва ранг-барангдир. Тасвирий санъатнинг барча тур ва жанрлари — рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик, замонавий амалий-безак санъати намуналари ўрин олган. Хусусан, улар манзаралар, портретлар, давлатимизнинг тарихи ва замонавий ҳаётига оид тематик композициялардан иборат. Кўргазмада мамлакатимизнинг турли вилоятларида яшаб, ижод қилаётган рассомларнинг ўзига хос ижод намуналари мавжуд.

Бундан ташқари, эндигина ижодини бошлаётган ёш рассомларнинг сюжет ва композицияси жиҳатидан қизиқарли бўлган ноанъанавий йўналишдаги асарлари ҳам намойиш этилмоқда. Кўргазмадан 400 дан ортиқ санъат асарлари ўрин олган бўлиб, у 10 сентябргача давом этади.

**ФАЙЗИБОНУ.**







# «ТОШКЕНТ ЁҒ-МОЙ КОМБИНАТИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

**азиз юртдошларимизни, мамлакатимиз аҳолисини, ўз акциядорлари ва ҳамкорларини, барча деҳқону фермерларни халқимизнинг Энг азиз, энг улуғ айёми — Мустақилликнинг 16 йиллик байрами билан самимий муборакбод этади.**

*Барчангизга сиҳат-саломатлик, оилангизга тинчлик-хотиржамлик, хайрли ишларингизда улкан ютуқлар тилайди. Айём кунларида барча эзгу ниятларингиз амалга ошсин. Мустақиллигимиз боқий бўлсин. Юртимиз гуллаб-яшнайверсин. Бунёдкор халқимизнинг эришган ютуқлари бундан-да мустаҳкам бўлсин. Тинч-осойишта ҳаётимизга асло кўз тегмасин. Юртимизни яратганнинг ўзи ёмон кўзлардан асрасин.*



**БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!**

# «НАМАНГАНПАХТАСАНОАТ» ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни, пахтакору миришкор деҳқонларни, фермерларни, соҳа мутахассисларини Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақилликнинг 16 йиллиги билан қизғин табриклайди.

Йил сайин гуллаб-яшнаётган диёримиздан файзу барака аримасин. Пахта хирмонларимиз юксалаверсин! Жонажон Ўзбекистонимизнинг элларaро шуҳратини ошириш йўлидаги қизғин саъй-ҳаракатларимиз ҳамиша ўзининг самарасини берсин. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин! Байрам кайфияти Сизларни асло тарк этмасин.



**АЙЁМИНГИЗ БИЛАН, АЗИЗЛАР!**

BANK XALQ BANKI

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

Муқаддас юртимиз аҳлини республикамиз мустақиллигининг 16 йиллик байрами билан самимий муборакбод этади.

**Сиз, азиз ватандошларимизга тинчлик-хотиржамлик, оилангизга фаровон ҳаёт ва истиқлолни мустаҳкамлаш йўлидаги ишларингизда куч-қувват тилайди. Мустақил ҳаётга қадам қўйган ёш оилаларга барча қулайлик ва имкониятларни яратиб, қўллаб-қувватлайди.**

Уларга **тадбиркорлик фаолиятларини** ташкил этиб, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни йўлга қўйишга, **шахсий уй-жой харид қилиш, уй-жой шароитларини яхшилашга** ҳамда узоқ муддат фойдаланиладиган **уй-рўзғор жиҳозлари ва истеъмол буюмларини** харид қилишга банкнинг **микрокредит, ипотека** ва **истеъмол** кредитларидан имтиёзли шартлар асосида фойдаланишни таклиф этади.



**ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!**

SQB

## O`ZSANOATQURILISHBANK

# ЎЗБЕКИСТОН АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ САНОАТ-ҚУРИЛИШ БАНКИ «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» ЖАМОАСИ

республикамиз аҳолиси ва меҳмонларини, акциядорларини, мижозларини ҳамда ҳамкорларини

**Мустақиллигимизнинг 16 йиллик айёми билан**

чин қалбдан табриклайди!

**Барчангизга сиҳат-саломатлик, хайрли ишларингизга муваффақият, оилангизга тинчлик ва хотиржамлик тилайди.**

**Ижтимоий ҳимоя йилида «Ўзсаноатқурилишбанк» ёш оилалар учун имтиёзли шартларда қуйидаги мақсадларга кредитлар ажратилишини маълум қилади:**

**Ипотека кредити** — уй-жой қуриш, сотиб олиш ва таъмирлаш учун.

**Молиявий истеъмол кредити** — маиший техникалар, мебель ва узоқ муддат фойдаланиладиган уй-рўзғор жиҳозларини сотиб олиш учун.

**Микрокредитлар** — оилавий бизнесни ташкил қилиш учун.



**Сизни қизиқтирган барча тегишли масалалар бўйича қуйидаги телефон орқали Call-марказга мурожаат қилишингиз мумкин:
(99871) 113-15-15
www.uzpsb.uz**

# «Шаҳрисабз пахта тозалаш заводи» ҳиссадорлик жамияти жамоаси

*барча ватандошларимизни Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллиги билан чин дилдан қутлайди. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин. Хирмонларимиз «оқ олтин»га тўлиб-тошаверсин.*



## 31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни

# БУ КУНЛАРГА ЕТМАГАНЛАР БОР

***Ўзбек халқининг энг олий қадриятларидан бири ўтганларни хотирлашдир. Айнан Президентимиз Фармони билан 31 август Шаҳидларни ёдга олиш куни сифатида белгиланиши ҳамда унинг жамоатчилик, халқимиз томонидан кенг нишонланиши ўтганлар хотирасига ҳурмат-эҳтиром рамзи бўлибгина қолмай, шу эзгу мақсадлар йўлида қурбон бўлганлар жасоратини мадҳ этиш ва чуқур миннатдорчилик нишонаси ҳамдир.***

Дарҳақиқат, истиқлол халқимиз учун қарийб 130 йил давомида ушалмас орзу бўлиб келди. Мустамлакачилик кишанлари қанчалик қаттиқ тортилмасин, уни парчалаш ва озодликка, миллий мустақилликка эришиш истаклари шунчалик кучайиб борди. XX аср бошида бутун Туркистонни қамраб олган 1916 йил қўзғолонлари, жадид мунавварларининг маърифат, миллий истиқлол ва тараққиёт учун фидокорона курашлари, 1918-1924 йилларда совет ҳокимиятига қарши авж олган қуролли курашлар, большевикларнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий зуғумларига қарши кенг намоён бўлган миллий мухолифатчилик ҳаракатлари – миллий ўзликни ҳимоя килишдек эзгу мақсадларга йўналтирилган эди. Хусусан, 1916 йилги қўзғолон жамиятнинг барча вакилларини қамраб олди ва унда ҳатто аёллар ҳам фаол иштирок этдилар. Зуҳрабиби Исамуҳамедова, Рузвонбиби Аҳмаджонова каби ўнлаб хотин-қизлар шулар жумласидандир. Улар юзлаб эркаклар қаторида эрк йўлида қурбон бўлдилар.

Туркистонда шўро ҳокимиятининг ғайриқонуний ва ғайриинсоний сиёсатига қарши кураш 1924 йилгача давом этди. Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида қамоқларда 17 миллион киши ўлим жазосига ҳукм этилди. Ўша даврдаги Туркистон ҳарбий матбуотида бу ҳақда шундай фикрлар билдирилганди: "қизил армия муваффақиятсизликларининг бош сабаби – маҳаллий аҳолининг ўз миллий манфаатлари учун юксак ватанпарварлик руҳида курашаётганлигидир, шу сабабли курашни енгиш оғир бўлаяпти".

Оқибатда большевикларга қарши ошкора қуролли кураш олиб бориш имкони чекланди. Шу сабабли маҳаллий аҳолининг энг илғор вакиллари "Миллий истиқлол", "Туркистон миллий бирлиги", «Миллий иттиҳод» каби яширин сиёсий ташкилотлар, "Кўмак", "Қизил қалам" каби ўнлаб яширин жамиятлар ташкил этдилар. Улар орқали ёшларни миллий руҳда тарбиялаш, миллий ғояларни кенг тарғиб этиш, таълим муассасалари ва бошқарув органларида маҳаллий кадрларни кўпайтириш тадбирларига зўр бердилар. Бу яширин ташкилотлар ҳар бир вилоят, шаҳар, йирик маданий муассасаларда ўз шўъбаларига эга бўлиб, ўта маҳфий тарзда иш олиб борар, йиғилишларида Ўзбекистоннинг кейинги тақдири, совет ҳокимиятини зуғумларига қарши кураш усулларини муҳокама қилиб борарди. Уларда Мунавварқори Абдурашидхонов каби фидойи инсонлар фаол иш олиб борадилар.

Қишлоқларда эса "қулоқлаштириш" ва колхозлаштириш сиёсати зўрлаб олиб борилди. Мол-мулки ва умуман бор-йўғидан ажралган деҳқонларнинг ғалаёнлари авж олди. Улар ер-сувлари, чорва моллари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг тортиб олинаётганлигидан норози бўлиб, колхозларга киришдан бош тортишар, ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиб, норозилик ғалаёнлари уюштирарди. Айниқса, миллий ва диний қадриятларнинг topталиши, масжидларнинг ёпиб қўйилиши, уламоларнинг қувғин қилиниши халқнинг барча тоифа вакилларини жунбушга келтирди.

Большевиклар эса бу ҳаракатлар ва курашларни бостириш учун энг шафқатсиз усуллардан фойдаланди. 1925-1951 йиллар давомида жами 30 миллион киши ўлим жазосига хукм этилди. Оммавий қирғин ва қамаш, қариндошларни гаровга олиш, таъқиб, тазйиқ, жосуслик каби ғайриқонуний усуллар қўлланиб, кейинчалик қатағон деб ном олган давлат террори авж олди. Унда ҳар қандай норозилик кайфияти кескин бостирилди. Айниқса, 30 йиллар қатағони оммавий равишда совет ҳокимиятига қарши қаратилган ҳар қандай фикр эгасини – у хоҳ ер-сувидан айрилиб, "қулоқ" қилинган ва хонавайрон бўлган деҳқон бўлсин, хоҳ эътиқоди топталган диндор ё касбидан айрилган уста-ҳунарманд, мол-мулкидан маҳрум этилган тадбиркор, савдогар, олим, ўқитувчи, зиёли бўлсин — барчаси беистисно тарзда ажал домига тортилди.

1954 йилда СССР Ички ишлар вазири ҳамда Бош прокурор томонидан тайёрланган маълумотларга кўра, иттифоқ бўйича 1921-1953 йилларда 3777380 киши жазога тортилган, шулардан 642986 киши олий жазо – ўлимга ҳукм қилинган, 2369220 киши 25 йил ва ундан камроқ муддатга озодликдан маҳрум этилган, 765 180 киши сургун қилинган.



Мустақиллик шарофати туфайли тарихни холисона баҳолаш имкони юзага келди, тарихий ҳақиқат тикланди. 1999 йил 12 майда Юртбошимиз И. Каримов ташаббуси билан совет даврида ноҳақ айбланиб, қатағонга учраган ватандошларимиз хотирасини абадийлаштириш мақсадида эълон қилинган фармойиш ва у асосида қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июлдаги «Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида» ҳамда «Шаҳидлар хотираси» жамғармаси ва музейи ташкил этиш ҳақидаги қарорлар мамлакатимизда тарихий ҳақиқатни тиклаш, қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш ишларини давлат сиёсати даражасига кўтарди.

Мазкур қарорлар асосида республикамизда қатағон сиёсати тарихини ўрганиш ва тарихий ҳақиқатни тиклаш борасида чуқур изланишлар ва хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, "Шаҳидлар хотираси" жамғармасининг ташкил этилиши, унинг шўъбалари барча вилоятларда фаол иш олиб бораётганлиги, Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида "Шаҳидлар хотираси» мемориал комплекси очилганлиги ҳамда улар ёш авлоднинг севимли зиёратгоҳларига айланганлиги, шаҳидлар хотирасига бағишлаб ўнлаб асарлар, фильм ва спектакллар тайёрланганлиги шулар жумласидандир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қатағон сиёсатини фақат Сталин шахсига сиғинишнинг оқибати дейиш масалага бир томонлама ёндошувни акс эттиради, холос. Аслида у мустабид тузумнинг соғлом фикрловчи, ватан, миллат ҳамда тараққиёт манфаатларини ҳимоя қилувчи кучларга қарши кураш усули ва воситасига айланган эди. Агар қатағон сиёсатининг илдизлари чуқурроқ таҳлил этилса, энг аввало, совет ҳокимияти сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳада ўз ҳукмронлигини таъминлаш, СССР деб аталмиш жуда катта бир ҳудуддаги турли халқлар, миллатлар ва элатларни ўз измига ва ягона қолипга солиш, марказий ҳукумат манфаатларига бўйсундириш мақсадида аҳолига қарши олиб борилган кураш эканлигини англаш қийин эмас.

Масалан, иқтисодий соҳадаги тадбирлар хусусий мулкни тугатиш ва халқ хўжалигида давлат монополиясини ўрнатиш орқали бутуниттифоқ иқтисодиётини марказга бўйсундиришга қаратилганди. Бу сиёсат барча йирик мулклар — банк, коммуникация, саноат объекти, ер-сув, савдо, кейинчалик эса ҳар қандай ишлаб чиқариш воситалари, объект ва ресурсларни давлат тасарруфига тортиб олиш, хусусий мулкка барҳам бериш, мулк эгаларини эса "синфий душман" сифатида йўқ қилишда намоён бўлди. Сўнгги маълумотларга қараганда иттифоқ бўйича қулоқ сифатида ўлим жазосига тортилганлар сони 20 миллион кишини ташкил этган. 20-йиллардан бошланган ер-сув ислоҳотлари ва кейинчалик колхозлаштириш сиёсати қишлоқ хўжалигида давлат монополиясини ўрнатиш билан якунланди. Ўзбекистон қишлоқларидан 1932 йил ўртасига қадар 9055 та деҳқон қулоқ сифатидан мол-мулкидан айирилиб, сургун этилди.

Эркин ва чакана савдо тугатилиб, бу соҳада ҳам давлат монополияси қарор топди. Индустрлаштириш сиёсати эса асрлар давомида ривожланиб келган тўқувчилик, тикувчилик, косибчилик, темирчилик, мисгарлик, ипакчилик, чилангарлик, заргарлик, пойафзал ишлаб чиқариш, кўнчилик каби юзлаб касб-ҳунарларга барҳам бериб, уларнинг йўқ бўлишига олиб келди.

Сиёсий соҳада шўро ҳокимиятини зўрлик билан қарор топтириш ва дастлабки йилларда унинг таркибига маҳаллий аҳоли вакилларини мутлақо яқинлаштирмаслик, миллий давлатчиликка умуман йўл қўймаслик, марказга тўла итоат этувчи совет давлат аппаратини қарор топтириш, ҳукуматга сўзсиз бўйсунувчи кадрларни шакллантириш, ижтимоий келиб чиқиши мулкдор ё диндор кишиларни ёки ҳукуматга қарши кучларни "синфий душман" сифатида сайлов ва сайланиш ҳамда бошқа ҳуқуқлардан маҳрум этиб, жамиятдан четлатиш, бадарға қилиш, ҳар қандай мухолиф кучларга барҳам бериш намоён бўлди.

Маънавий соҳада эса ҳар қандай миллий ғоя ёки манфаатларни таъқиб ва тазйиққа олиш, миллий ҳамда диний қадриятларни эскилик сарқити сифатида тугатиш, маънавий меросга беписандлик, тарихни сохталаштириш, диний эътиқодларни таъқиб остига олиш, марксизм-ленинизм ғоялари билан ниқобланган коммунистик мафкурани қарор топтириш ва уни жамият онгига ҳар қандай йўл билан сингдириш сиёсати амалга оширилди.

«Социалистик жамият» барпо этиш каби баландпарвоз ғоялар остида олиб борилган сиёсат оқибатида оммавий қирғин, террор усуллари тарихда "қатағон" номи билан машъум из қолдирди.

1917 йилдан бошлаб қарийб 20 йил давом этган бу сиёсат 1937-1938 йилларда авжга чиққан эди. Қатағон сиёсати жамиятни марказга ҳамда партияга сўзсиз буйсунувчи, ҳар бир топшириқ, қарор ва буйруқни бажаришга шай турадиган итоаткор халқни шакллантиришга қаратилди. Ўзгача фикрлайдиган ҳар қандай кучга барҳам бериш мақсадларини энг ваҳший усуллар билан амалга оширди. Бунга яна бир далил шуки, мазкур сиёсат қурбонларининг сонини иттифоқдаги ҳар бир республика бўйича олдиндан белгилаб қўйилишидир. Айниқса, партия сафлари, давлат аппарати, таълим тизими ва ҳаттоки армияда ўтказилган «тозалаш» сиёсати совет ҳокимияти учун ўзгача фикр соҳиблари нақадар катта хавф бўлганлигини яққол исботлайди. Бундай «тозалаш» сиёсати натижасида фақатгина армия сафларидан 40000 киши йўқотилганлигини Сталиннинг ўзи ҳам расмий чиқишларидан бирида эътироф этган.

1957 йил июль Пленумида қайд этилишича, Фавқулодда комиссия, ОГПУ ва НКВД томонидан 1937 йилда иттифоқ бўйича 1500000 киши қамоққа олинган ва шундан жами 681692 киши ўлим жазосига ҳукм этилган. Статистик маълумотларнинг кўрсатишича, 1937-1938 йилларда СССРда ўлим жазосига ҳукм қилинганлар сони аввалги йилларга нисбатан 315 фоизга кўпайган.

Айнан шу йилларда халқнинг энг билимли, фидойи ва илғор вакиллари оммавий равишда қатағон машинаси домига тортилган. Мазкур сиёсатнинг энг даҳшатли жиҳатларидан бири шундаки, қатағонга учраганлар аксарият ҳолларда аёллари, оилалари, ёш болалари билан жазога мубтало этилганлар. Қамоқларда, жазо лагерларида минглаб оилалар сургун азобида жафо чекдилар, «халқ душмани»нинг оиласи сифатида ҳақ-ҳуқуқлардан маҳрум этилиб, хўрландилар.

Мазкур тарихий маълумотлар эрксевар халқимиз учун ҳамиша қадрли ва азиз бўлганлиги, бу йўлда минглаб қурбонлар берилганлиги ва том маънода улар истиқлол йўлида шаҳид кетган инсонлар эканлигининг ёрқин далилидир. Айнан шу сабабли халқимиз учун қимматли ва азиз бўлган Истиқлол байрами арафасида бу йўлда шаҳид кетган аждодлар хотираси олдида бош эгамиз ва бу хотиралар бизни халқимиз учун олий неъмат бўлган мустақилликни кўз қорачиғидек асраш заруриятини янада чуқурроқ ҳис этишга даъват қилади.

**Доно ЗИЁЕВА,**
**тарих фанлари доктори.**

## Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалда

# ЗАМОНАВИЙ ЎҚУВ МАСКАНИ



***Мустақилликнинг халқимизга берган бахту саодатини кўпчилик қибрайликлар бугун яхши билишади. Ахир, истиқлол боис амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари уларни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Қайси соҳани олманг, албатта, бирон-бир янгилик ёки ўзгаришга дуч келасиз. Янгиланаётган Қибрай мустақиллик шарофати ила янада чирой очиб бормоқда. Туманда ишга туширилаётган янги иншоотлар, йўл ва хиёбонлар унинг кўркига кўрк қўшиб турибди. Мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида бўлгани каби Энг азиз, энг улуғ байрамимиз — мустақилликнинг 16 йиллик айёми арафасида Оққовоқ қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида рўй берган яна бир муҳим янгилик барчани бирдек қувонтирди.***

## *Қибрай агротижорат касб-ҳунар коллежини кўпчилик шундай дейишмоқда*

Айниқса, ёшларнинг бир қувончига ўн қувонч қўшилди. Энди уларнинг кўпчилиги ўз орзусидаги замонавий коллежда ўқишади. Фарзандларининг шундай имкониятга эга бўлганликларидан ота-оналарнинг қанчалик мамнун бўлганликларини айтмайсизми. Ахир, улар бу кунни қанчалик орзиқиб кутишмади дейсиз. Қибрай агротижорат касб-ҳунар коллежида таҳсил олаётган маҳаллий ёшлар билан юртимизнинг турли гўшаларидан келган ўғил-қизлар янги ўқув йилини капитал реконструкциядан чиқарилган замонавий муҳташам бинода қарши олишмоқда.

— Бу биз учун жуда катта имконият, юксак шараф ҳамдир, — дейди коллеж директори Ўткирбек Норалиев. — Энди кўпчилик орзу қилган жойларда ишлаймиз. Ёшларга пухта билим бериб, касб-ҳунар ўргатамиз. Аслида бизга шундай имкониятни мустақиллик берди. Ўғил-қизларимизнинг камоли учун муҳтарам Юртбошимиз барча шароитларни муҳайё этди. Ёшлар келажагига бўлган бундай беқиёс эътиборни авваллари кўрмаганмиз. Яқин ўтмишда фарзандларимизнинг бундай илм даргоҳларида ўқиши ҳеч кимнинг тушига ҳам кирмаган. Ўзига хос, бир-биридан бетакрор коллежлар истиқлол шарофати ила давримизнинг ҳақиқий мўъжизасига айланди. Ўзимдан қиёс, биз ўқиган чоғларда бундай шароит ва имконият йўқ эди. Бугун эса бошқача. Ҳаётнинг ҳамма соҳасини қамраб олган, барча қулайликларга эга бўлган коллежларнинг мавқеи ўзгача. Улардаги ўқув хоналаридан тортиб, лабораториялар, усти ёпиқ спорт заллари, ахборот-ресурс маркази, компьютер синфлари ёшлар камоли, бахту иқболи учун хизмат қилмоқда. Шундай имкониятлардан унумли фойдаланган ўғил-қизлар ўзлари ёқтирган мутахассисликларни пухта эгаллаб, Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиб етишишаяпти.

Коллеж директори Ўткирбек Норалиевнинг тўлқинланганича бор. Мустақиллик боис ўрта махсус касб-ҳунар таълимининг катта бир тизими юзага келди. Соҳа фидойилари Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ муштарак мақсадлар йўлида хизмат қила бошладилар. Хоҳ мамлакатимиз пойтахти бўладими, хоҳ юртимизнинг чекка бир қишлоғидами, ҳамма жойда бир хил шароит ва имкониятдаги бир-биридан қолишмайдиган, кўзни қувонтирадиган коллежлар барпо этилди. Уларда табиийки, ўша ҳудудларда яшаётган устоз-мураббийлар ишга жойлашишди. Эндиликда уларнинг ҳар бири шундай илм масканларида ёшларга таълим бериб, ҳунар ўргатаётганидан фахрланишмоқда. Шу жумладан, Қибрай агротижорат касб-ҳунар коллежи жамоаси ҳам. Ахир, педагогик жамоа ўз орзусидаги янги ўқув биносига эга бўлди. Бино бўлганда ҳам ҳамма ҳавас қиладиган даражадаги бино. Уни яқиндагина ҳувиллаб ётган ётоқхона бўлганлигига асло ишонгингиз келмайди. Бунёдкорлик шундай улкан куч эканки, қаровсиз қолган жойни кошонага айлантираркан. Бу ерда қисқа муддат ичида амалга оширилган 1,3 миллиард сўмлик капитал реконструкция ишлари ўзининг катта самарасини берди. Эски ётоқхона биноси бунёдкорлик ишлари эвазига замонавий коллежга, муҳташам кошонага айланди.





Шу пайтгача мослаштирилган бинода ўқиб келган ёшлар учун бу ерда барча шароитлар муҳайё этилган. Кенг ва ёруғ хоналарда улар замонавий билимларни пухта эгаллашса, устахоналарда касб кўникмаларини шакллантирадилар. Усти ёпиқ зал ва ташқи ҳовлидаги майдончаларда ўзлари севган спорт турлари билан шуғулланиб, жисмонан чиниқишади. Ана шу дамларда коллежнинг эски биносидаги ноқулайликлар ёддан кўтарилади. Ҳамма машғулотлар, дарслар, тадбирлар унинг ўзида амалга оширилади. Қулайликнинг беқиёс аҳамиятини энди ҳис қилгандирсиз.

Маҳаллий аҳолининг ҳам коллеж боис фахру ғурури ошди. Ахир, Оққовоқ қишлоғининг номини шу ўқув маскани мамлакатга олиб чиқаяпти. Бу ерда тайёрланган мутахассислар юртимиз равнақи учун сидқидилдан хизмат қилишмоқда. Жумладан, Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти ходими, фан номзоди Собир Эргашев, Қибрай туман фермерлар уюшмаси раиси Алишер Турсунов каби мутахассисларнинг бугунги кундаги меҳнатини алоҳида мамнуният билан таъкидлаш жоиз. Ўзининг 33 йиллик бой иш тажрибасига эга бўлган аҳил жамоанинг ютуқлари ҳам қувончли бўлмоқда. Айниқса, ўқув даргоҳининг 2003 йилдан бошлаб Қибрай агротижорат коллежига айлантирилганлиги унинг кадрлар тайёрлашдаги имкониятларини янада кенгайтирди. Бу ерда мутахассислар тайёрлаш сифати ошди. Унда ўқишни истаганлар кўпайди. Ҳозир нафақат маҳаллий ёшлар, балки мамлакатимизнинг турли шаҳару қишлоқларидан келган ўғил-қизларнинг мазкур даргоҳда таҳсил олаётганликлари жамоага ғурур бағишлайди. Бир пайтлар ўқув юртини битириб кетган мутахассисларнинг фарзандлари ота-оналарининг изидан бориб, коллежга ўқишга келишмоқда. Шунинг учун ҳам кўпчилик бугунги кунда ўқув даргоҳини бутун элга танилган маскан, дея эътироф этади. Биз ҳам бу фикрларга қўшилган ҳолда яна бир муҳим гапни алоҳида таъкидлаймиз. Коллежнинг янги биноси ҳам унинг шуҳратини янада оширди, элга танитди. Энди юртдошларимиз Қибрайда шундай коллеж бор, дея ҳавас қилиб юришади.

Бугун ўқув масканида 60 нафардан зиёд устоз-мураббий меҳнат қилмоқда. Уларнинг орасида ўзининг ёшларга бераётган пухта билимлари билан обрў-эътибор топган педагоглар, усталар талайгина. Жумладан, агрономия фани ўқитувчиси Аҳрор Ғаниевнинг иш стажи коллежники билан тенг. Меҳнат муҳофазаси ўқитувчиси Баҳром Ҳамдамовники 32 йилни, Жаннатой Ашурованики 28 йилни ташкил этади. Жулдуз Нодирова, Зарофат Собурова, Раяш Абдураимова, Нодира Шамсиевалар ҳам улар каби бугун устозлар сафидан ўрин олишган. Ўтган давр ичида Лазокат Исроилова, Шарофат Норбоева, Азамат Холов, Зулфия Холиқова каби моҳир педагоглар етишиб чиқди. Ходимлар бўлими нозири Шоҳида Юсупованинг айтишича, устозлар йўлидан бораётган шогирдлар қалб қўри, дил меҳрини ишга бағишлашмоқда. Ўткирбек Норалиевнинг ўзи ҳам бир пайтлар шогирд эди. Бундан 24 йил аввал ўқув масканида илк фаолиятини оддий лаборантликдан бошлаган ёш мутахассис чиниқиб, турли вазифаларда сидқидилдан меҳнат қилди. Ундаги бой тажриба ва ташкилотчилик қобилиятини ҳисобга олган мутасаддилар 2005 йилда Ўткир акани коллежга директор этиб тайинлашди. Ишчан раҳбар жамоада ижодий муҳитни юзага келтириш билан биргаликда унинг обрўсини ошириш борасида ҳам астойдил меҳнат қилди.

Молия, транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш, ҳуқуқий хўжалик фаолияти, архившунослик, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, қишлоқ хўжалигини механизациялаш каби муҳим йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишга эътиборни кучайтирди. Уларнинг келгуси фаолиятлари учун мустаҳкам замин ҳозирлади. Корхона ва ташкилотлар билан битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича шартномалар тузди. Ўз навбатида коллежнинг янги биноси қурилиши учун елиб-югурди. Бугун ана шу саъй-ҳаракатларнинг катта самара берганидан бутун жамоа мамнун. Истиқлолимизнинг 16 йиллигида ўқув масканидан 101 нафар битирувчи ҳаётга йўлланма олди. 240 нафар ўғил-қиз эса ўқишга қабул қилинди. Уларнинг ҳаммаси истиқлолга тенгдош, мустақиллик фарзандлари. Бу ёшларнинг йўли ойдин, нурафшон йўл.

**Рустам**
**АҲМАДАЛИЕВ.**

Муқаддас туйғу

# ВАТАН ИШҚИ

***Луғатимизда шундай калом борки, унда қандай сеҳр, қандай меҳр борлигини пайқаш мушкулроқ туюлади. Аммо инсон бутун умри давомида уни юракдан ҳис қилиб туриши мумкин. Яшашнинг мазмун-моҳияти ҳам шунда бўлса керакки, уни ҳамиша ВАТАН тафти билан боғлашади!***

***...Болалигимдан қушлар ҳаётига қизиқардим. Уларнинг яшаш тартибига алоҳида эътибор берардим. Ҳатто савоб бўлади деб уларга «ватан», яъни ҳар хил қути, ин ясаб, равоқлар тепасига, йўғон дарахтларнинг қалин ва мустаҳкам новдаларига михлаб қўярдим. Айниқса, айвон шифтлари бурчакларида ошён қуриб олган қалдирғочларга жуда ҳавасим келарди. Тумшуғида ризқ-насиба олиб қайтаётган пайтда она қалдирғочнинг ини атрофида бир неча марта гир айланиб учаётганлиги нафақат полапонларининг, балки менинг ҳам завқимни оширарди. Ахир, у ватанига соғ-саломат учиб келди-да!..***



Қизиқ, ҳар йили баҳорда қалдирғочлар ўз қадрдон ошёнларига қайтади. Уларнинг қанча умр кўришларини билмадиму аммо ўзларига аждодлари қолдирган меросий ватанларини ардоқлайди. Ўзга қалдирғочлар эса бу инга кўз тикмайди. Нега улар адашмайди? Сабаби шундаки, ҳар гўшанинг ўз хусусияти бор. Уй ашёсининг ҳиди, ҳатто хасчўпларнинг ҳам қадри бўлакча бўлса керак. Негаки, кўз очиб кўрган дунёни шу қутлуғ даргоҳда илк бор англаган. Унинг атрофида нимаики бор, бари мўътабар, бари суюкли. Бинобарин, бундай жойни тарк этмоқ ўлим билан баробардир. Шунинг учун ҳам қушлар, албатта, Ватанга қайтадилар.

* * *

Одамлар ҳам табиатан шундай: тақдир тақозосига кўра жаҳон кезиши, мусофирчиликда ҳаёт кечириши мумкин. Лекин туғилган ҳур ошёни – она юрти ҳақида ўйламасдан туролмайди. Унинг истиқболини кўришни истайди. Болаликда неки кўргани бўлса, бари унга қадрли бўлиб туюлади. Бир сўз билан айтганда, Ватан оғушини қўмсайди, ўзига яқинларни соғинади.

Мен ҳам хорижий юртларда кўп бўлганман. У ерларда тирикчилик ташвишлари билан юрган ватандошлар билан учрашганман. Бизлар, гарчанд бирбиримизга нотаниш бўлсакда, гўё азалдан қадрдон дўстлар каби ҳол-аҳвол сўрашганмиз. Суҳбат мавзуи бошқа-бошқа бўлса-да, барибир, гап Ватан тақдирига бориб тақалади. Юртимизда бўлаётган ўзгаришлар, аҳоли турмуш даражасининг юксалаётганлиги, жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимиз мавқеининг мустаҳкамланиб бораётганлиги барчамизни бир хил қувонтирар эди. Айниқса, шаҳару қишлоқларимиздаги ободончилик ишлари беҳад суюнтирарди. Спортчиларимиз қўлга киритаётган муваффақиятлар шунчалик хурсанд қилардики, беихтиёр кўзлардан ёш чиқарди. Ўзга юртларнинг марҳамати қанчалик беғараз бўлмасин, барибир, Ватанингнинг биргина дийдори янглиғ сени чинакамига руҳлантира оладиган куч топилмас экан. Шунда ҳазрат Навоийнинг:

*Ғурбатда ғариб*
*шодмон бўлмас эмиш,*
*Эл анга шафиқу*
*меҳрибон бўлмас эмиш,*
*Олтин қафас ичра*
*гар қизил гул битса,*
*Булбулға тикондек ошён*
*бўлмас эмиш, —*

деган мисралари ёдга тушади. Дарвоқе, Ватандан қанча узоқлашсанг, шунчалик у ҳақда ўйлашга мажбурсан. Мусофирчиликда элингни, ўзингга яқин кишиларингни қадрлашга ўрганар экансан...

* * *

Ватанга қайтгач, биринчи зиёрат қилган жойим Мустақиллик майдони бўлди. Халқимизнинг оқ ниятли эканлиги ифодаланган Эзгулик аркасига кўзим тушди. Тепасида бир оёғида тик турган турналар шаҳар ҳаётини хотиржам кузатмоқда. Ушбу рамзда Президентимизнинг ниятини англай бошладим: тинчлик барқарор юртда қушлар ҳадиксирамайди. Бизда фақат келажак ҳақида қайғурилаётганлиги яққол кўриниб турибди. Бахтиёрона ҳайкалига термулиб, ҳажми катта бўлган китоблардан кўра кўпроқ маъно ва мазмунни уқиб олиш унчалик қийин эмас. Кўксим ғурурга тўлди: мамлакатда оқилона сиёсат юритилаётганлигидан ўзингга сиғмай кетасан. Тарихан қисқа даврда бунчалик юксалишни тасаввур қилиш қийин, аммо бунинг ҳақиқат эканлигини ҳеч ким инкор этолмайди.

Айниқса, маънавиятимиз илдизларининг гуркираётганлиги яққол сезилиб турибди. Бунга халқаро ҳамжамият томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳрининг Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши ҳам мисолдир. Аждодларимиз мерос қилиб қолдирган заковатни мамлакатимиз раҳбарларида кўриш эса нақадар юксак бахт! Бундай туйғулар ҳар бир ўзбекистонлик фуқарода мавжуд. Негаки, келажагига қатъий ишонган халқ ўз меҳнатларининг самарасини амалда кўраётирлар.

Ватанни шарафлашга ҳар қандай таъриф ҳам камлик қилади. Бироқ унинг қадри ҳақида гап кетар экан, жим туришнинг ҳеч иложи йўқ. Шу боисдан Навоий бобомизнинг рубоийларига ҳамоҳанг ёзилган бир тўртликни мисол келтиришни лозим топдим:

***Ватандек бир мўътабар***
***тупроқ топилмас,***
***Ҳам у каби ҳузурбахш***
***ардоқ топилмас.***
***Туғилган ҳур ошёним***
***менсиз бор эди,***
***Ва лекин усиз менга***
***кучоқ топилмас.***

**Муродулла ҒАФУРОВ.**

Газетхон илҳоми

## ФАХР



*Кундан-кунга ҳур юртимиз*
*Яшнаб жамол очмоқда,*
*Ҳар қадамда учрар бугун*
*Кўркам, зебо иморат.*
*Қайси юртга қўйсак қадам*
*Дўстлар қучоқ очмоқда,*
*Бу ҳам орзу, ўйларимиз*
*Неклигидан далолат.*
*Дини ислом қувватидир*
*Азал шариф Бухоро,*
*Сайқалдир рўйи заминга*
*Гўзал, қадим Самарқанд.*
*Бу жойларда яшаб ўтган*
*Не-не донишманд сиймо —*
*Илму ижод, ибратидан*
*Эллар бўлган баҳраманд.*
*Не тонг, ҳурлик қанот ёзиб,*
*Ватан бўлгач мустақил,*
*Рўёб топди халқимизнинг*
*Неча йиллик орзуси.*
*Обидалар чирой очди*
*Кундан-куну йилдан-йил,*
*Ўзбекистон — динимизнинг*
*Бўлди тиниқ кўзгуси.*
*Бухоронинг кўрки ошди*
*Аввалгидан минг чандон,*
*Осмон билан сирлашади*
*Ҳар гумбаз, ҳар минора.*
*Самарқандда улуғларнинг*
*Хоки эъзозда мудом,*
*Улар ётган қадамжолар*
*Обод бўлди тобора.*
*Бундай савоб, хайрли ишлар*
*Ҳар қадамда хўпу кўп,*
*Марғилону Насаф, Хива,*
*Ҳам Қўқону Вобкентда.*
*Салобат-ла қад кўтарди*
*Юрт кўркига кўрк қўшиб*
*Ҳазрат Имом мажмуаси*
*Азим пойтахт Тошкентда.*
*Бундай эзгу юмушларга*
*Юртбошимиз бош мудом,*
*Уни қўллаб-қувватловчи*
*Халқимиз бор мард, танти.*
*Аллоҳ доим дилимизда,*
*Эътиқод — дини ислом,*
*Шундан соҳиб унвон бўлди:*
*Тошкент — ислом пойтахти!*
*Бундан ортиқ баҳо борми,*
*Бундан зиёд эътироф,*
*Муносиб бу унвон халқим,*
*юртим учун ғурур, шон.*
*Шундан ҳар бир юртдошимнинг*
*Кўнгли обод, нурдай соф,*
*Шундан мудом гўзал, серфайз,*
*Ҳур Ватан — Ўзбекистон.*

**Ғулом ШОМУРОД.**

# ЯНГИ ПОЧТА МАРКАЛАРИ

***Республикамиз мустақиллигининг 16 йиллиги байрами арафасида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ томонидан "Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги" га бағишланган 16 та почта маркалари туркуми муомалага чиқарилди. У кичик кўринишдаги икки варақ купондан иборат.***

Яқинда Самарқанд шаҳрида ушбу маркаларнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Маркаларда Самарқанддаги Улуғбек, Шердор, Тиллакори мадрасалари, Регистон майдонининг умумий кўриниши, Шоҳизинда мажмуасидан лавҳалар, Бибихоним, Амир Темур ҳайкали, Амир Темур, Руҳобод, Имом ал-Бухорий, Имом ал-Мотуридий мақбаралари каби тарихий архитектура ёдгорликлари тасвирланган.

"Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги"га бағишланган кичик варақ купонларида эмблема туширилган. Варақнинг ранг-баранг ҳошиялари ва махсус хотира тамғаларида шаҳарнинг тарихий обидаларидан лавҳалар жой олган. Унда лотин алифбосида "Самарқанд 2750 йил" сўзлари ёзилган, махсус хотира тамғаси тушириладиган жой ва сана кўрсатилган. Ушбу почта маркалари туркуми муаллифи А. Зуев, махсус хотира тамғаси У. Юсупалиевга тегишли.

**И. АҲМЕДОВ.**

Машҳур кишилар ҳаётидан

# ПЕЛЕ – ФУТБОЛ ЮЛДУЗИ

***Эдсон Арантес ду Насименту ёки оддийгина Пеле нафақат Бразилиянинг, балки бутун дунё ва XX асрнинг энг яхши футбол ўйинчиси. Фаолияти давомида уч карра жаҳон чемпиони, "Сантос" клуби ва Бразилия терма жамоаси ҳужумчиси, 1281 та гол муаллифи бўлиб, 59 та медални қўлга киритган. У 17 ёшида энг ёш жаҳон чемпиони дея эътироф этилди. Пеленинг спорт оламидан кетганига 30 йилдан ошган бўлса ҳам унинг футболдаги рекордлари ўйинчилар учун ҳали ҳануз забт этилмаган чўққи бўлиб қолмоқда.***

## Ёқмаган тахаллус омад келтирди

Пеле 1940 йил 23 октябрда Минас-Жерайс штатининг Трес-Корасоес провинциал шаҳарчасида оддий оилада дунёга келди. Уни дунёга келтирган доя кампир чақалоқ туғилиши билан унга "шоҳона" келажакни башорат қилди. Ўшанда унинг ота-онаси ўғилларининг 16 ёшида Бразилиянинг энг зўр футбол командаси ҳисобланган "Сантос" футбол клубига қабул қилинишини тасаввур ҳам қилолмасди. Бақувват ва ўрта бўй, қора танли йигитчадан коптокни ҳеч ким илиб кетолмасди. У дастлабки таълимни маҳаллий командада ўйновчи отаси Дондиньюдан олганди. Пеле тахаллусини жуда ёшлигида, ҳали ҳарфларни яхши айтолмайдиган пайтдаёқ олганди. У отаси билан тез-тез футболга бориб турар ва у ерда бошқа ўйинчилар, айниқса, голкипер Биле билан учрашарди.

Кўчада копток ўйнаб туриб у ўзининг ҳаракатларини изоҳларди ва кўпинча дарвозабоннинг исмини тилга оларди, бироқ у исмни нотўғри "Пиле" деб айтарди. Шундай қилиб бу тахаллус Эдсонда муҳрланиб қолди ва унинг асосий исмига айланди. Кейинчалик футбол қиролининг айтишича, бу тахаллусни ёмон кўрган, уни жарангдор эмас деб ҳисобларди. Бироқ худди ана шу тахаллус орқали уни бутун дунё таниди. 11 маротаба у Сан-Паулу чемпионатида энг кўп тўп урган ўйинчи бўлди. 1973 йили Жанубий Американинг энг яхши футболчиси, 1970 йили энг яхши жаҳон спортчиси, ягона ўйинчи — уч карра жаҳон чемпиони (1958, 1962, 1970)дир. Унинг жасоратлари ҳақида афсоналар айтилган. Улардан бири 1959 йили 18 апрелда бўлганди. Жарима майдонида дарвозабондан тўпни қабул қилгач, майдонда тўп сурди ва тўп билан очиқ дарвозага кириб нуқта қўйди. Матчлардан бирида эса 11 марта тўп уришга муяссар бўлди.

## Камолот

Дунёдаги футбол мутахассисларининг фикрича, Пеле билганларини мукаммал даражага, такрорланмас, санъат чегарасигача етказа олган инсондир. У тўпга ўзининг шартларини буюра оларди ва у билан нима истаса шуни қиларди. Одатда ўйинчиларга бериладиган тахаллуслар улардаги асосий, зарур сифатларни аниқлайди. Пелени "Футбол қироли" деб аташди. Кўпгина монархлардан фарқли ўлароқ, у тахтга меросхўр сифатида эмас, балки (кам учрайдиган) бутун сайёра халқлари томонидан сайланди. Буюк машҳурлик ва муҳаббат ёшлик йилларида жаҳоннинг тан олинган энг яхши ўйинчиси ва жаҳон чемпиони бўлган 17 ёшли йигитга насиб этди. Бразилия кўчалари Пеле номи билан атала бошланди. Ҳукумат унга ер ва автомобиль ажратди.

Турли миллат ва ижтимоий табақалардаги гўзал жинс вакиллари — аёллардан дил изҳорлари битилган мактублар ола бошлади. 1970 йилларда дунёнинг турли ҳудудларида ўтказилган махсус сўровномаларга кўра, 100 нафар одамдан 95 таси Пеле ким эканлигини билган. Баъзи бир маълумотларга кўра, энг кўп суратлар ва интервьюлар унга тегишлидир. Пеленинг номи ва имиджи (қиёфаси) эса турли davраларда мавзу бўлиб ҳатто ҳозиргача ҳам спортсеварлар, кофедан тортиб қўл соатлари каби турли хил маҳсулотларда фойдаланилган ва ишлатилмоқда. 1999 йили Халқаро Олимпия қўмитаси Пелени 100 йилликнинг йирик спортчиларидан бири деб эълон қилди (Олимпия ўйинларида бирор марта ҳам иштирок этмаган бўлса-да), ФИФА эса уни XX асрнинг энг яхши ўйинчиси деб тан олди. 1990 йилларнинг 2-ярмида у Бразилия спорти, туризми ва ёшлар ишлари бўйича вазир вазифасини бажарди. Пеле ижтимоий фаолиятга ҳам кам вақтини ажратмади (БМТ ва ЮНИСЕФнинг хоҳишига кўра элчи), футболни, умуман спортни жаҳоннинг турли бурчакларида тарғиб қилди. Махсус таълим доирасидаги дастурда у болалар учун мўлжалланган футбол ҳақидаги ўқув фильмида иштирок этди.

## Мухлислар ёлворишди

Европанинг бадавлат клублари унинг ортидан "ов" уюштиришди. "Реал", "Ювентус", "Интер"лар унинг учун катта маблағ тўлашга ҳам рози эдилар. Ҳукумат Пелени халқ бойлиги деб эълон қилди, Бразилия футболи раҳбари Жоао Авеланж эса "Пеле "Мона Лиза" каби бебаҳодир", деб таъриф берди. Пелени Бразилияда том маънода илоҳийлаштиришарди. Биргина мисол. У ўзининг "Мен — Пелеман" китобини ёзганда миллионлаб ватандошлари, ёшу қари уни ўқиш учун ҳарф ўрганишга киришганди. Маориф вазирлиги мамлакатда халқ саводхонлигининг бу даражада жадал ўсишида Пеленинг буюк хизматларини тан олган ҳолда уни "Олтин медаль" билан тақдирлади. Чунки ҳукумат бир неча ўн йиллар давомида қила олмаган ишни футбол қироли қисқа вақт ичида уддалаганди.




## Бразилиянинг "Дон-Жуан"и

Унинг уйи, қасрига киришга илож йўқ. Пеле ҳамиша эҳтиёткор, хушмуомала. Футбол майдонларидан ташқарида, ўзининг ҳаётига синчков мухбирларни яқинига йўлатмасди. Биринчи хотини Розе-Мэри билан тўйларига оз қолганда ундан сўрашди: "Пеле нима учун аввалроқ бизни келин билан таништирмадинг?" "Биласизми, — жавоб берди Пеле, — мен олдиндан бизнинг унашилганимиз ҳақида эълон қилгим келмади. Сабаби, ўйлардим, балки орамизда нимадир бўлиб ўтса-чи? Биз ажралиб кетамиз ва бу қиз бир умрга Пеленинг қайлиғи тахаллуси билан қолади. Кейинчалик бу унга ўзга киши билан ҳаётини боғлашига ҳалақит бериши мумкин эди..." Розе-Мэри билан тўйлари 1966 йилнинг бошларида бўлиб ўтди. Бир йилдан сўнг қизлари Келли-Кристина, кейинчалик ўғиллари Эдиньо туғилди. Кейинчалик яна бир қиз — Женнифер таваллуд топди. Бу оила узоқ йиллар мобайнида намунали оилалардан ҳисобланиб келди. Шунинг учун ҳам 1978 йилда бошланган ажралиш жараёнини бразилияликлар худди французлар Эйфель минораси қулаши ҳақида эшитганларидек ҳайрат ва ишончсизлик билан қабул қилишди. Пеленинг атрофида аёллар кўпайиб борарди. Ва ҳар йилги карнавалда Бразилия унинг янги, навбатдаги маъшуқаси билан танишарди. Бу ҳол 1994 йили апрель ойигача давом этди. 53 ёшли футбол қироли 34 ёшли Ассирия Сейшас Лемос исмли шифокор-психологга уйланди. Тўй Ассириянинг она шаҳри Ресифида бўлиб ўтди. Шаҳар ҳокимияти тезлик билан тўй тантаналари бўлиб ўтган кўчаларни таъмирлади.

## Қироллар ҳамма нарсага қодир

Ассирия билан бўлиб ўтган никоҳ оқсуяклар тарихини яна бир ажойиб қисм билан бойитди: Ассирия севимли турмуш ўртоғидан кўп фарзанд кўриш истагини билдирди. Бироқ, 17 йил аввал, учинчи фарзанди — кичик қизи Женнифер туғилиши билан қирол ўзини атайин бепушт бўлиши учун операция қилдирган эди. Бу билан у аввалги хотини ва кейинги маъшуқалари билан бўладиган муаммолардан ўзини холи қилмоқчи бўлганди. Бироқ, Ассириянинг кутилмаган бу истаги жавобсиз қолди...

Шундай бўлса-да АҚШнинг энг яхши шифохоналаридан бирида шифокор билан қилинган маслаҳатдан сўнг сунъий уруғлантириш ҳақида хулосага келинди. Операция муваффақиятли ўтди ва тўққиз ойдан сўнг Ассирия эгизаклар — қиз ва ўғилли бўлди.

## Қимматбаҳо ном

Бекорга айтишмайди-да, иқтидорли одам ҳар нарсада ҳам иқтидорлидир. У ажойиб мусиқа яратар ва уни дўстлари учун ижро этарди. Ҳаттоки иккита мусиқий диск ҳам чиқарди. Бир неча марта фильмларда суратга тушди. Телесериаллар қаҳрамони ҳам бўлди. Бироқ Пеленинг кўп қиррали иқтидори тадбиркорлик соҳасида ёркинроқ кўринди. У икки марта банкрот бўлди, лекин ўзини тутиб олди. Пеле ўзининг исми билан боғлиқ бўлган ҳар бир соҳада билимини охиригача етказарди. У кўнглига нима ёқса, шуни тарғиб қиларди. Магнитофонлар, банклар, мотоцикллар, велосипедлар, дала-ҳовлилар, авиакомпаниялар, витаминли ичимликлар, компьютерлар, Париж модельерларининг костюмлари (бир вақтлар у моникен бўлиб ишлаган), магазинлар, батарейкалар, бензаколонкалар ва жинсилар "Пеле" тамғаси билан ишлаб чиқариларди.

Пеле спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини реклама қилувчи фирмалардан ташқари турли фирмалар билан шартнома тузарди. Унинг ўзи эса ҳеч қачон ичмаган ҳам, чекмаган ҳам. Ҳатто ҳозир ҳам Пеле ортиқча иллатларни ўзига эп кўрмайди. Фақат Рождество кечасида истисно тарзида бир қултум шампан виноси ичишдан қайтмайди. Аввалига Пеле реклама берувчиларга ўз исмини шунчаки берарди. Кейинчалик тушуниб етдики, савдодан қандайдир фоизни талаб қилиши керак. Тушумлар эса кутилмаган натижани берди. Бугун футбол қироли 70 ёшни қораламоқда. У аввалгидек жисмонан бақувват, оғирлигига бир килограмм ҳам қўшилмади, кучга тўла. Унинг бизнеси Антарктидадан ташқари ҳамма қитъаларга ёйилган. Жаҳоннинг йирик кўзга кўринган пойтахтларида дўстлари бор. У аввалгидек жозибали ва... яқинлашиб бўлмас.

У доим йўлда. Ва доимо хавфсизлик хизмати ходимлари қуршовида. У юқори даражадаги тантанали зиёфатлар ва кинопремьералар, стадионларнинг ҳукумат одамларига мўлжалланган ўринларида ва камбағалларнинг кварталларида кутилган меҳмондир. "Маракана" стадионидан унча узоқ бўлмаган Пеле томонидан очилган спорт майдончаси ўша райондаги жиноятларнинг камайишига ёрдам берди ва минглаб болаларни гиёҳвандлик ва бекорчиликдан қайтарди. Мухлислар абадий мавзуни муҳокама қилишни тўхтатишмаяпти: қачонлардир бу футбол ўйинчисининг ёнида тура оладиган футболчи топилармикан?

**Хориж матбуоти асосида Адиба ФАЙЗ тайёрлади.**




## Минора қулаб тушди



Американинг Орегон штатида шамолда ишлайдиган электростанцияда бир минора қулаб кетди. Оқибатда бир киши қурбон бўлди, бир одам оғир жароҳатланди. Бу ҳақда «Ассошиэйтед пресс» ахборот агентлиги хабар тарқатди. Мазкур электростанция «Siemens» компаниясига қарашли. Компания вакилининг билдиришича, бахтсиз ҳодиса рўй берган пайтда мутахассислар станциядаги асбоб-ускуналарни текшириб юрган эдилар. Қулаб тушган миноранинг баландлиги 80 метрни ташкил этади.

## Ҳарбийлар етишмаяпти



Буюк Британия армияси Ироқда ва Афғонистонда ҳарбий ҳаракатларни давом эттириши учун шахсий таркибда етишмовчиликлар рўй бермоқда, дея хабар беради «The Daily Telegraph» нашри. Сўнгги маълумотларга кўра, ҳарбий хизматчиларга тиббиёт ходимларининг эҳтиёжи кучли сезилмоқда. Бундан ташқари, сапёрлар, учувчилар ва денгиз пиёда қўшинлари сафларини тўлдиришга мутахассислар етишмаяпти.

## Акциялар маҳаллий аҳолига тарқатилади

Зимбабве етакчиси Роберт Мугабе мамлакатда фаолият юритаётган хорижий компаниялар акциялари назорат пакетини маҳаллий аҳолига беришни режалаштираяпти. Манбада айтилишича, акцияларнинг асосий қисми Зимбабведаги ҳукумат тепасидаги партия аъзоларига тақсимланиши кутилаяпти. Мугабенинг сўзларига кўра, мамлакатдаги хорижий компаниялар нархларни атайин ошириб юбормоқдалар. Шунинг учун у мамлакат тадбиркорларига маҳсулотлар нархларини пасайтириш тўғрисида кўрсатма берди.

БМТ Озиқ-овқат дастури бўйича вакилининг билдиришича, айни пайтда мамлакатда тўрт миллион аҳоли биринчи навбатдаги инсонпарварлик ёрдами кўрсатилишига муҳтож.

## Заводларни сотиб олмоқчи



Ўтган йилда ташкил этилган «Dubai Aerospace» компанияси Европанинг «EADS» концернига қарашли бир неча авиация заводларини сотиб олишни режалаштирмоқда. Сўнгги бир неча йил давомида мазкур компания мустақил тарзда самолёт ишлаб чиқариш учун 15 миллиард доллар сарфлади. Бундан олдинроқ, «EADS» маъмурияти вакили компанияга қарашли Франция, Германия ва Буюк Британиядаги еттита заводни сотиш режалаштирилаётганини маълум қилганди.

Эслатиб ўтамиз, шу йилнинг июль ойида Дубай ҳукумати 600 миллион еврога «EADS»нинг 3,12 фоиз акцияларини сотиб олганди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

***«Миллий тикланиш» газетасига реклама ва эълонлар қабул қилинади.***
*Матбуотчилар кўчаси 32-уй. 501, 502-хоналар.*
*Телефонлар: 136-58-73, 133-67-51.*

*Муассис:* «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH — Миллий тикланиш — ижтимоий-сиёсий газета

Бош муҳаррир Ҳосил КАРИМОВ

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 133-67-51. Бўлимлар — 136-58-73.

Манзилимиз: *Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй*
® - *Тижорат материали*

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
*Нашр кўрсаткичи — 158*

Газета 02 23-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 723.
Ҳажми 2 босма табоқ.
*Адади 2100*
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

1 3 4 5 6

Босишга топширилди 22.00